

Xabar

29

(826)-son

18-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz


2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



2008 йил иккинчи чорагида жаҳон мобил телефонлар бозорида бир қатор жиддий ўзгаришлар кузатилди. Тарихда биринчи мобил телефонни ишлаб чиққан Motorola компанияси пастга "шўнғишда" давом этмоқда. 23 миллионга (7,3 фоиз) телефон аппарати сотган компания бешинчи натижани қайд этиб, ўз ўрнини SonyEricsson компаниясига бўшатиб берди. Эслатиб ўтамиз, бир йил олдин Motorola иккинчи ўринда эди. Nokia ҳамон танҳо етакчилиқни сақлаб турибди. Фин компанияси уч ойда 120 миллионга телефон аппарати сотиб, 40 фоизлик натижани қайд этди.

Ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган Жанубий Кореянинг Samsung ва LG компаниялари 18 (48 миллион) ва 9,3 фоиз (28,1 миллион)лик натижалар билан иккинчи ва учинчи погоналарни банд этишган.



Бугунги кунга келиб оддий фойдаланувчилар орасида Windows ҳукмронлиги остида фақат Linux яшаб қола олди. Нафақат яшаб қолди, балки у ҳозирда Windows учун жиддий рақобат қила оладиган даражага етди. 2007 йил сарҳисобига кўра, Linux фойдаланувчилари деярли икки бараварга ортган. Хўш, ниманинг ҳисобига у, гарчи ёш амалиёт тизимлари (АТ)дан бири ҳисобланса-да, Windows билан рақобатлашмоқда? Нега Билл Гейтс Linuxни ўзининг амалиётлар тизими рақобатчиси деб билади? Бунинг сабабларини аниқлашдан аввал уларнинг қисқача тарихига тўхталиб ўтамиз.

Ушбу сонда:

Корея делегацияси агентликда

2-бет

“Диёр” совғаси бўкаликларда

3-бет

Соғломлаштиришга алоҳида эътибор

5-бет

Состоялось очередное заседание ГКРЧ

6-бет

Истиқболли молиявий хизматлар

11-бет

Омад сизга, азиз ёшлар!

13-бет

Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси

16-бет



Кенг қамровли
суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 273-80-05, факс: (+998 71) 273-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети



✓ Матбуотда “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори эълон қилинди.

✓ Республикамиз ғаллакорлари 6 миллион 175 минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этиб давлат режасини бажаришди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон ғаллакорларига табрик хати йўллади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлат солиқ идораларининг 2008 йил I ярим йиллик фаолияти ва II ярим йилликда тизим олдига қўйилган долзарб вазифалар, хусусан, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижроси таҳлил қилинди.

✓ Тошкентда 12-16 июл кунлари “Кичик бизнес учун Ҳиндистон минитехнологиялари — India minitech — 2008” кўргазмаси бўлиб ўтди.

✓ Европанинг Испания ва Чехия мамлакатларидан келган талабалар “Ерасмус Мундус” талабалар алмашинуви дастури доирасида Урганч давлат университетидеги математика, география ва экология бўйича тахсил олишмоқда.

Жумладан, Испаниядан келган Карлос Ламас Фернандос ва Нестор Леон Делгадо математика факултетидеги билим олаётган бўлса, чехиялик Роман ва Ленка география факултети ҳамда УрДУ қошидаги илмий тадқиқотлар маркази — UNESCO/ZEF ўзбек-немис лойиҳаси доирасида олиб борилаётган қишлоқ хўжалиги ва экология соҳаларидаги машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар.

✓ Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармонининг ижроси юзасидан жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар давом этмоқда.

Нукус шаҳрида бўлиб ўтган семинар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланди.

НАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Корея делегацияси агентликда

2008 йил 11 июл кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида «Kisox» корпорацияси бошчилигидаги Жанубий Корея компаниялари делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Корея делегацияси таркибида бир қатор соҳаларда, шу жумладан, электротехника соҳасида фаолият юритувчи компаниялар вакиллари ҳам бор.

Ўзбекистон томонига ЎзААА Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров бошчилиқ қилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникацияларни жорий этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ ишлар аҳоли билан танишишди.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги



ҳамкорлик ўзаро имзоланган бир қатор давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатлар, шунингдек, ЎзААА билан Корея алоқа ва ахборотлаштириш вазирлиги ўртасида имзоланган меморандум асосида амалга оширилмоқда.

Учрашув чоғида Ўзбекистонда чет эл инвесторларига қулай шaroитлар, енгилликлар яратиб берилганлиги сабабли Кореядаги етакчи компанияларнинг республикамиз телекоммуникация бозо-

рига киришга қизиқишлари жуда катта эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томони, ўз навбатида, Кореянинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи етакчи компаниялари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга тайёрглигини қайд этди.

Шунингдек, томонлар АКТни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

SELEKTOR YIG'ILISHI

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқарувида салмоқли ўрин тутиб, соҳани ривожлантиришга давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сифрат доимий назоратда

Амалга оширилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини назорат қилиш соҳа ривожига ҳисса қўшувчи омиллардан биридир.

Жорий йилнинг 10 июл кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида «Телекоммуникация тармоғи иш сифатининг 2008 йил 6 ой якунлари» бўйича селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари А.Избосаров бошқарди.

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, «Ўзбектелеком» АК филиаллари ва туман телекоммуникациялар боғламаларининг раҳбарлари, «ЎЗИ» ҚҚ филиаллари, ДАИ ва РРТМ вилоят бўлими бошлиқларининг иштироки селектор орқали ташкил этилди.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика марказининг директори Х.Холмухамедов, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи ўринбосари А.Фафуров, «Ўзбектелеком» АК бош директорининг ўринбосари Б.Абдураасулов, «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали директорининг биринчи ўринбосари Ш.Каримов ҳамда Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение марказининг техник директори Б.Абидовлар маъруза қилдилар.

Маърузачилар бирламчи ва иккиламчи телекоммуникация, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини тарқатиш тармоқларида 2008 йилнинг 6 ойлик иш якунлари тўғрисидаги ахборотларда сифат кўрсаткичларининг

бажарилишига алоҳида тўхталиб, жойларда айрим мутассадди ходимлар кўрсатилаётган хизматлар сифатига етарли даражада эътибор бермай келаётганликларини қайд этиб ўтдилар.

Йиғилишда А.Избосаров телекоммуникация ва телерадиоузастиш хизматлари сифатига жиддий эътибор бериш, жумладан, хавфли кесишмаларни бартараф этиш, кабелларни доимий ҳаво босими остига қўйиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар бўйича ариза ва шикоятларнинг белгиланган муддат ва тартибда қўриб чиқирилиши бўйича назоратни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қўриб чиқилган масалалар бўйича йиғилиш қарори билан айрим ҳудудларда «Техник эксплуатация қондалари» ва «Технологик жараёнлар» талабларини бузганликлари ҳамда сифат кўрсаткичларининг пасайишига йўл қўйганликлари учун «Ўзбектелеком» АКнинг «Қорақалпоқ Телеком» филиали Тўртқўл туман ТБ бошлиғи, «Хоразм Телеком» филиали директори ва унинг биринчи ўринбосари ҳамда Янгибозор, Ҳазорасп, Питнак ТТБлар бошлиқлари, «Сурхондарё Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари ва Узун ТТБ бошлиғи, «Қашқадарё Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари, «Бухоро Телеком» филиали ТХК маркази бошлиғи ва Ғиждувон, Шофиркон ТТБлар бошлиқлари, «Наманган Телеком» филиали директорининг биринчи ўринбосари, «Фаргона Телеком» филиали Кўкон шаҳар ва Охунбобоев, Сўх ТТБлар бошлиқлари, «Жиззах Телеком» филиали директори ва директорининг биринчи ўринбосари, «ЎЗИ Жиззах» филиали

директори, «Навоий Телеком» филиали Зарафшон шаҳар ТБ бошлиғи, «Сирдарё Телеком» филиали директори ва директорининг биринчи ўринбосари ҳамда Ховос, Янгиер, Гулистон, Сирдарё, Сайхунбод, Сардоба ТТБлар бошлиқлари, «Тошкент Телеком» филиали Оққўрғон ва Дўстобод ТТБлар бошлиқлари, «ТШТТ» филиали Янгиобод ва Мирзо Улугбек ТБлар бошлиқлари, «ШАК» филиали 4-ШМАТБ раҳбари, шунингдек, Хоразм, Андижон, Самарқанд ва Тошкент РТУМлари бош муҳандисларига нисбатан белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари кўриш белгиланди.

Шунингдек, магистрал кабелларни доимий ҳаво босими остига олиш, хавфли кесишмаларни ва очик сим орқали ташкил этилган абонент линияларини бартараф этиш бўйича белгиланган топшириқларнинг бажарилиши назоратига сустанкашлик билан ёндашганликлари учун Агентликнинг Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятлари ҳудудий бошқарма бошлиқлари ҳамда Хоразм вилояти ДАИ бошлиғига нисбатан интизомий жазо чоралари кўриш белгиланди.

Шу билан бирга, йиғилиш раиси А.Избосаров томонидан магистрал кабелларни доимий ҳаво босими остига олиш, хавфли кесишмаларни ва очик сим орқали ташкил этилган абонент линияларини бартараф этиш масалалари бўйича жойлардаги раҳбарлар шахсан масъул эканликларини қайд этилди ҳамда белгиланган топшириқларнинг бажарилиши йил якуни бўйича агентликнинг Ҳайъат йиғилишида қўриб чиқирилиши ва топшириқларни бажармаган масъул раҳбарларга нисбатан кескин чоралар кўрилиши таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш баёнининг қарори билан белгиланган вазифалар бўйича маълумотлар тақдим этиб бериш топширилди ва ижросини доимий назоратга олиш белгиланди.

MOBIL ALOQA KOMPANIYALARIDA

Яқинда "МТС-Ўзбекистон" компанияси республикада мобил алоқа операторлари орасида биринчилардан бўлиб ўз офисига оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини таклиф қилди. Айтиш жоизки, компания матбуот хизмати саъй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу тadbир очик ва ошкора тарзда ўтди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ



Шу куни журналистлар компаниянинг Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими ва Мижозлар билан боғланиш марказида бўлишиб, ходимлар фаолияти билан яқиндан танишишда ва улар билан мулоқотда бўлишди.

Ҳозир Боғланиш марказида 200 нафардан ортиқ оператор тўрт сменада кечаю кундуз мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Йил бошидан буён марказга 14 млн.га яқин мурожаатлар бўлган. Мурожаат қилувчилар асосан қўшимча хизмат турлари ва тариф режалари тўғрисида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилишар экан. Иш куни мобайнида айнан битта саволга 15-20 мароталаб жавоб бериш оператордан кучли сабрбардошни талаб қилади. Боғланиш маркази бошлиғи Лола Худойбергеновнинг айтишича, операторлар тез-тез тест синавлардан ўтказилиб, малакалари оширилиб борилади. Уларнинг мижозларга сифатли ва юқори даражада хизмат кўрсатишлари учун барча шароитлар

яратиб берилган.

— Шароитлардан кўнглимиз тўқ, — дейди оператор Аҳмад Фозилов. — Шунга яраша мурожаат қилувчиларга намунали хизмат кўрсатишга интиляпмиз. Одамларга қанчалик хушмуомалада бўлиб, кўнглидагидек хизмат кўрсата олсак, шунчалик компаниямиз нуфузи ҳам ошиб боради.

Ўзбекистон мобил бозорида компания биринчилардан бўлиб 1996 йили мижозлар учун Боғланиш марказини ташкил этган эди. Бу мижозлар билан доимий мулоқотда бўлиш имконини яратиш билан бирга, уларнинг компанияга бўлган ишончини ҳам йилдан-йилга қучайтириб борапти.

— Компаниямиз мижозлари сонининг кўпайиб бориши доимий равишда барча йўналишлар бўйича хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришни талаб қилади, — дейди биз билан суҳбатда компания бош директорининг савдо ва мижозларга хизмат кўрсатиш масалалари бўйи-



ча ўринбосари Нуриддин Шодмонов. — Жорий йилнинг биринчи ярим йилида Боғланиш маркази ходимлари сонини икки баробарга оширдик. Бу компаниямизнинг 2007-2010 йилларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасидаги дастурини амалиётга жорий қилиш бўйича изланишларимизнинг натижасидир.

— Дарҳақиқат, компаниямизда хизмат кўрсатиш сифатини ҳар томонлама ошириб бориш кенг қамровли жараён ҳисобланади, — дея суҳбатга қўшилади компаниянинг маркетинг департаменти бошлиғи Тоҳир Эргозиев. — Бунинг натижаларини мобил хизмати билан қамраб олиш даражасининг тобора кенгайиб боришида, республикада мижозларга янги офислар очилишида, кўплаб қўлай хизмат турлари ва тариф режаларида кўриш мумкин. Боғланиш марказимизга мурожаатларнинг кўпайиши бизнинг мобил хизматларимизга эҳтиёж ва талабнинг катталигидан далолат беради.

"МТС-Ўзбекистон" компанияси вакиллари билан учрашувда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Абдуғани
АБДУРАҲМОНОВ

Муҳокамада муҳим масалалар

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг мажлислар залида Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти Раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев олиб борди.

ТАТУ илмий-тадқиқот сектори бошлиғи О.Очилов, агентликнинг Дастурий махсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиғи Ф.Ағзамов, илмий-техника жамияти раисининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор М.Мухитдиновлар инновацион лойиҳалар ҳамда ғоялар бўйича таклифлар ва уларни ташкил этиш бўйича маълумотлар беришди.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази бош директори А.Миразизов энергетика, нефт-газ мажмуаси, коммунал-хизмат кўрсатиш корхоналарида масофадан ҳисобга олиш тизими ишлаб чиқилганлиги ва синов-тадқиқот ишларини ўтказиш режалаштирилаётганлиги тўғрисида ҳамда тиббиёт электроникаси марказини ва соғлиқни сақлаш соҳасида фойдаланиладиган дастурий таъминотни яратиш ҳақида (компютерлаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш, профилактик таъмирлаш) гапирди. Шундан сўнг йиғилиш қатнашчилари республика бўйича тиббий асбоб ва ускуналарнинг маълумотлар базасини яратиш, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази Метеорология хизмати томонидан тиббий аппаратура ва ускуналарини қиёслаш ҳамда таъмирлаш ишлари олиб бориш бўйича таклифлар билдиришди.

М.Мухитдинов жорий йилнинг 6 июнида ўтказилган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида суғурта муносабатлари: мавжуд ҳолати, муаммолари ва истиқболли йўналишлари", 18 июнида ўтказилган "Атамашунослик — касбий тафаккурни шакллантиришда, фан ва таълимни ривожлантиришда" республика семинарларининг натижалари тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда иштирокчилари катта қизиқиш ва фаоллик билан муҳокамада қатнашишди ҳамда ўз таклиф-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда инновация лойиҳалари базасини яратиш бўйича қарор қабул қилинди.

Хайрулло МАҲМУДОВ,

Ўзбекистон радиотехника, электротехника ва алоқа илмий-техника жамиятининг илмий котиби

Вазифалар белгилаб олинди

«Жиззах Телеком» филиалида жорий йилнинг биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда филиал бўлимлари ва туман телекоммуникациялар боғламалари бошлиқларининг биринчи ярим йиллик бўйича ҳисоботлари тингланди. Филиал директори Б.Эргашев ўз ҳисоботида эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида гапириб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Мамедов вилоят ҳудудида инфраструктура объектларини телефонлаштириш, қишлоқ жойларида алоқа ва интернет хизматларини ташкил этишдаги муаммоларга тўхталитиб ўтди. Вилоят ДАИ ходими Ф.Язиев эса алоқа сифатини янада кўтариш, меъёрий ҳужжатлар асосида иш юритиш, тартиб-интизом ва ходимларнинг билим даражаларини ошириш, касбий маҳоратларини шакллантириш ўта муҳимлигини таъкидлаб, камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий чоралар қўриш кераклигини айтиб ўтди.

Йиғилишда йилнинг иккинчи ярмида қўшимча хизмат турларини янада кенгайтириш, улардан қишлоқларда фойдаланиш сифатини ошириш, бу борадаги ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб олинди.

С.ҲАЙДАРОВ,
Филиалнинг маркетинг бўлими бошлиғи

ОВУНА-2008

Маълумки, ҳозир республикада бўйлаб 2008 йилнинг иккинчи ярми учун матбуот нашрларига обуна ишлари қизгин паллага кирди. Бу жараён ҳар бир корхона, ҳар бир почта ходими зиммасига ўтаётган вақтдан унумли фойдаланиш, обуна тарғибот-ташвиқотини тўғри йўлга қўйишдек масъулият юклаши табиий.

«Диёр» совғаси бўкаликларда



СУРАТДА: Бўка почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдулҳай ШОТЕМИРОВ тахририят мукофотини қабул қилиб оляпти.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали тармоқларида ҳам обуна мавсуми қизгин ўтмоқда. Бу борада газета тахририятлари билан яқин ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилганлиги ўз самарасини берапти. Тахририятлар обуна уюштиришда энг яхши самарадорликка эришган корхоналарга ўз мукофотларини таъсис этишмоқда. Яқинда Бўка почта алоқаси тармоғи республикаимизнинг янги нашрларидан бири — "Диёр" газетаси совғаси билан тақдирланди. Газетага энг кўп обуна уюштирган учун тармоққа "Pentium IV" компютери топширилди.

Собит АҲАДОВ,
«Хабар» муҳбири



XALQARO HAYOT

ИККИ ЖАСАДГА
БЕШ ЖАНГАРИ

Исроил ҳарбий хизматчилари Эхуд Голд-вассер ва Элдад Регевларнинг жасадини Исроилга топширди.

Ўз навбатида, Исроил беш нафар ливанлик жангарини, жумладан 1979 йили исроилликлар силасини ўлдиргани учун бир умрлик қамоққа олинган Самир Кунтарни озод қилиши керак. Бундан ташқари, "Хизбуллоҳ" 2006 йил ёзидаги ҳарбий қелишмовчилик вақтида ўлдирилган 200 атрофидаги ливанлик ва фаластинлик жангарилар жасадини қайратиб олади.

Асирлар ва жасадларни алмашиш ҳақидаги қелишувга Исроил бош вазири Эхуд Олмерт ва Ливаннинг "Хизбуллоҳ" радикал гуруҳи етакчиси Хасан Насруллоҳ имзо чеккан. CNN хабарига кўра, ушбу алмашувни "Хизбуллоҳ" ливанликларнинг галабаси сифатида қабул қилган.

ЖИНОЯТЧИ
ТАЪЗИРИНИ ЕЙДИ

Буюк Британияда қабул қилинган янги қонунга кўра, мамлакат аҳолиси жиноятчилардан ўзларини ҳимоя қилишнинг кенгайтирилган ҳуқуқини қўлга киритишди. The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, энди британияликлар ўзини ва мол-мулкни исталган усулда, ҳатто қурол билан ҳам ҳимоя қилишлари мумкин.

Инсоннинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи кенгайтиришга йўл очиб берган бу қонун кенг жамоатчилик орасида қизгин муҳокама қилинмоқда. Сабаби энди ҳар бир британиялик уйда, кўча-кўйдами ўзига даҳл қилган ўғри ё жиноятчини жароҳатлаши, ёки бўлмаса отиб ташлаши ҳам мумкин.

ИРОҚ ИРОҚЛИКЛАР
НАЗОРАТИГА ЎТАДИ

Ироқ қўшини йил охиригача мамлакатдаги барча музофотлар устидан бутунлай назоратни қўлга олиши режалаштирди. Бу ҳақда мамлакат хавфсизлик кучлари вакили маълум қилган. Унинг айтишича, Ироқ ҳарбий қўшини йил охиригача мамлакатнинг 18та музофотини жангарилардан батамом тозалашга ишонади. Шу тарзда мамлакатдан Америка қўшинларининг чиқиш кетиши тезлашади.

Ироқда давлат байроғининг янги варианты бўйича танлов эълон қилинди. Associated Press хабар беришича, байроқ намуналари сентябр охиригача қабул қилинади. Уларнинг учтаси танлаб олинади ва парламентга тақдим қилинади.

Жорий йил бошида байроқдаги Саддам Ҳусайннинг БААС партиясига тегишли — бирлик, озодлик ва социализм рамзи ҳисобланган учта кўк бешиқрали юлдузча олиб ташланган эди. Шунингдек, байроқда С.Ҳусайн имзосига тақдид қилинган ҳолда ёзилган "Аллоҳ буюк" ёзуви ҳам ўзгартирилган. Мазкур ўзгаришларни Ироқнинг президентлик кенгаши парламент томонидан қабул қилинган қонун асосида тасдиқлади.

Интернет материаллари асосида
У. ЙҮЛДОШЕВ таъёрлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Windows

Windowsда ишлаш худди самолётда тўхтовсиз учишга ўхшайди: жонингга тегади, лекин ташқарига чиқолмайсан...


Windowsнинг дастлабки муқобиллари анча аввал, 1985 йилда чиққан бўлса-да, уни элга "танитгани" — Windows 95 бўлди. График интерфейсга эга AT 1995 йилнинг август ойида сотувга чиқарилди. Кейинчалик Windows 98 ва 2000 муқобиллари билан бошқа АТларни сиқиб чиқара бошлади. Windows XP эса ҳақиқий етакчига айланди. Чиройли ва қулай интерфейс ўша вақтда барчанинг эътиборини тортарди. 2007 йилга келиб, аввал Windows Longhorn деб ном-

рилган. Linuxга тўғри келадиган машҳур дастурлар кам (истисно тарикасида Adobe Photoshop дастурини Linuxга мўлжаллаб чиқарганини айтишимиз мумкин). Яқин-яқингача Linuxда драйверлар муаммоси учрарди. Аммо ҳозирда драйвердан нолимасангиз ҳам бўлади. Қурилмаларнинг расмий сайтларида Linuxга мўлжалланган драйверлар мавжуд. Бундан ташқари, Linuxнинг лицензияли дискларида драйверлар ҳам қўшилган.

Linux ўзбек тилига таржима қилинган (Mandriva Linux). Унинг матн таҳрирловчи дастури — OpenOffice ўзбек тилидаги имло хатоларини текшира олади.

Linux бепул АТ. Тўғри, ҳозирда чиқаётган Linuxларнинг ҳаммаси ҳам бепул эмас. Аммо асосий базаси бепул. Windows бепул эмас. Уни

Windows ва Linux



лицензиясиз дискда ишлатиш тақиқланган. Бир-икки йил ичида эшигингизни тақиллатиб Windowsнинг лицензиясини сўраб келиб қолишса, ажабланмасангиз ҳам бўлади.

Linux хакерлар ҳужумига Windowsга қараганда камроқ дучор бўлади. Чунки, Linux-дастурловчилар

ланган Windows Vista сотувда пайдо бўлди. Билл Гейтс ўз интервьюларининг бирида Vista ҳақида гапирар экан, "У Windows 95дан кейинги энг катта ўзгариш" деб айтганди. Windows Vista Windows оиласи ичида ҳозирча оддий фойдаланувчилар учун мўлжалланган сўнгги АТ. Microsoft корпорацияси 2010 йилга бориб Windows Viennани чиқаришни кўзлаётган эди. Аммо бу воқеа вақти бироз эртароққа сурилиши ҳам мумкин. Бу ҳақда бироз кейинроқ.

Linux

— Билмайсизми, пингвинли амалиётлар тизимини қаердан топсам бўлади?

— Антарктидадан...

Linux 1991 йилда Линус Торвалдс томонидан яратилган (Linux номи қаердан келиб чиқганини англаган бўлсангиз керак). Дастур GPL-лицензиясига (GPL-General Public License, бепул дастурлар лицензияси, Ричард Сталлман томонидан ёзилган) кўра эркин тарқатилгани туфайли унинг турлари 100дан ортиқ. Энг кенг тарқалганлари — Mandriva (Mandrake), Ubuntu, SuSE, RedHAT, Fedora. Linux Foundationнинг статистикасига кўра, 2007 йилда линуксоидларнинг 55,4 фоизи Ubuntu платформасини ўрнатилган. Кейинги ўринлар Debian (22,2%), openSUSE (19,5%), Fedora (16,7%), Gentoo (10,2%), Knoppix (7,1%) ва PCLinuxOS (5,4%)ларга тегишли.

Windows ва Linux:

устунлик ва камчиликлар

Windows ишлатяпсизми? Демак, геймерсиз...

Linux ишлатяпсизми? Демак, мутахассис...

Ҳар икки амалиётлар тизимининг ҳам устун ва камчилик томонлари мавжуд. Улар билан танишиб чиқамиз.

Linux — очик кодли АТ. Дастур кодлари GPL-лицензиясига кўра эркин тарқатилади (шу сабабли ҳам Ўзбекистонда биринчи яратилаётган Doprix АТ Linux базасида амалга оширилди). Сиз ҳатто ўз амалиётлар тизимингизни чиқаришингиз ҳам мумкин, лекин ҳақиқий дастур кодларини бирга олиб юришингиз зарур.

Windows эса ёпиқ кодли. Унинг кодлари ҳеч қаерга чиқарилмайди. Дастур компиляция қилинган ҳолда чиқарилади.

Қўпчилик дастурлар Windowsга мослаб чиқа-

кам. Шу сабабли ҳам сервер компьютерларда кўпинча Linux ўрнатилган бўлади.

Windows хакерлар ҳужумига кўп учрагани учун унинг ҳимояси мустаҳкам.

Windowsнинг сезиларли даражадаги устунлиги — ҳозирги чиқаётган 97 фоиз ўйинлар DirectXга мослаб чиқарилади. DirectX — бу Windows дера-ни. Linux график тартиби — OpenGL. OpenGLда чиқарилган энг машҳур ўйин — Counter Strike. Ўйиннинг CS:Source'га қадар муқобили OpenGL'да чиқарилган. У ёнғига DirectXга ўтилди. Шунинг учун ҳам "Windowsда ишляпсизми? Демак, геймерсиз" ибораси қўлланилади.

Бугун ва эртага:

бизни нима кутмоқда?

Windows 95, Windows 98, Windows Vitsa. Биз қаердамиз ўзи?

Ҳозирги пайтдаги ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, Linuxнинг ўз амалиётлар тизимларини тарқатиши учун қулай вақт эканлигига амин бўламиз. Икки ярим йил аввалдан эълон қилинган Windows Vista чиқарилган фойдаланувчиларга маъқул келди дейиш қийин. Vistaга дастлабки бир йил ичида тушган эътирозлар XPнинг илк бир йиллигидаги қараганда анча кўпроқ. Ҳатто амалиётлар тизими 2007 йилнинг энг омадсиз маҳсулотлари ўнталлигига киритилган. Фойдаланувчилар "эски ҳаммом" — XPга қайтишни хоҳлашмаяпти. Хабарингиз бўлса, 2008 йилнинг июл ойидан Windows XPни техник қўллаб-қувватлаш тўхтади. Бу — агар XP тўлақонли ишламаса дардингизни ичингизга ютишингиз керак ёки Vistани ўрнатинг, дегани.

Linux дистрибутивлари ана шу "бўшлиқ"дан фойдаланиб, фойдаланувчиларни ўз томонларига оғдириб олишлари мумкин. Linuxнинг машҳур версиялари — Ubuntu, Mandriva, SuSE ҳар йили янги версияни чиқариб, бир маромда ривожланмоқда. Бунинг устига ўзбекча интерфейс кимга ҳам маъқул келмайди, дейсиз?!

Windows етакчиликини бериб қўймаслик учун Windows Viennани бироз эртароқ — 2009 йилда чиқаришни кўзламоқда. Интернетда бу ҳақдаги дастлабки маълумотлар ҳам пайдо бўлди.

Шерзод ШЕРМУҲАММЕДОВ,
Тошкент ахборот технологиялари
университети 1-босқич талабаси

Windows ва Linux баҳси ҳали-бери тўхтамас керак. Тўхтагани ҳам яхши. Чунки рақобатдан фақат сиз ва биз — фойдаланувчилар ютамиз. Сифатли амалиёт тизимлари ана шу рақобатнинг меваси бўлиши аниқ. Сиз нима дейсиз?..

Соғ танда — соғлом ақл! Дарҳақиқат, саломатлиги мустаҳкам инсоннинг иш унуми ҳам, кайфияти ҳам юқори бўлади. Шу туфайли корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшмаси кўмиталари ёзги соғломлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратмоқдалар. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ва уларнинг фарзандларига бўлган эътибор янада юқори.

— Ёз — дам олиш ҳамда саломатлиги мустаҳкамлаш мавсуми, — дейди биз билан суҳбатда "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали касаба уюшмаси кўмитаси раиси Асқар Абдуллаев. — Ҳар йилгидек, бу йил ҳам мавсумни муваффақиятли ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрдик. Айниқса, болаларнинг ёзги таътиллари кўнгилли ўтказиш диққат марказида бўлди.

Дарҳақиқат, филиал маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси томонидан ёзги соғломлаштириш мавсумига жиддий тайёргар-

СОҒЛОМЛАШТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

лик кўрилди. Филиал тасарруфидаги "Нилуфар" ҳамда "Алоқачи" болалар соғломлаштириш оромгоҳлари сифатли таъмирдан чиқарилди. Бугунги кунда бу ерда нафакат пойтахтлик алоқачиларнинг, балки "Қорақалпоқ Телеком", "Тошкент Телеком", "Хоразм Телеком", "Навоий Телеком", "Сирдарё Телеком" каби алоқа корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳам фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқармоқдалар. Турли спорт тўғрақлари, бассейни, кенг ва ёруғ ошхона улар ихтиёрида. Шу кунгача "Нилуфар" болалар оромгоҳида 476 нафар бола соғломлаштирилиб, уларга 15 миллион сўмга яқин, "Алоқачи" оромгоҳида эса 714 нафар бола-қонлар учун 23 миллион 298,5

YOZ —
O'TMOQDA SOZ

минг сўм маблағ сарфланди.

Оромгоҳлардаги турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари эсда қоларли тарзда қизиқарли ўтказилмоқда. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланяпти.

Филиал ходимларини соғломлаштириш, дам олишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунгача 17 нафар ходимнинг турли санаторийларда даволанишлари учун 10 миллион 362 минг сўм, 7 нафар ходимнинг дам олиш ўйларига ҳордиқ чиқаришлари учун 1 миллион 152 минг

сўм маблағ ажратилганлиги, "Марварид" дам олиш уйида 110 нафар алоқа ходимининг дам олдирлиши, "Қумушқон"да ҳордиқ чиқарувчилар учун 10 миллион 290 минг сўмлик йўлланма харид қилинганлиги фикримизнинг далилидир.

— Катталар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш йил бўйи давом этади, — дейди касаба уюшмаси кўмитаси раиси. — Ҳар йилгидек бу йил ҳам филиалимизда меҳнат қилаётган алоқачиларимиз энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида, малакали шифокорлар орқали тиббий кўрикдан ўтмоқдалар. Касаллиги аниқланган ходимларнинг шифохоналарда ёки сихаттоҳларда даволанишларига ёрдам берамиз. Шунингдек, улар саломатлиги мустаҳкам бўлишида турли спорт мусобақаларининг ҳам аҳамияти катта бўлаётди. Биз бу каби ишларга бўлган эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаймиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Худудий боғламамиз «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг Тошкент вилояти боғламаси асосида ташкил этилган бўлиб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги аҳоли ва халқ ҳўжалиги тармоғига хизмат кўрсатиб келмоқда. Боғлама ўз фаолиятини март ойида ёш мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилишдан бошлади. Қабул қилинганларнинг 70 фоизини олий маълумотлилар ташкил қилади.

Ходимлар малакасини ошириш мақсадида мижозлар билан ишловчи 22 нафар оператор "Ўзбектелеком" АК Инженер-техник марказида "Мижозлар билан ишлаш маданияти ва телекоммуникация хизматларини сотиш техникаси" курсида, "CDMA стандарти мобил алоқа тизимига техник хизмат кўрсатиш" дастури бўйича 10 нафар техник ходим малака ошириб, сертификатларни кўлга киритишди. Бу ўқувнинг самараси ушбу ходимларнинг қисқа вақтда Тошкент шаҳридаги барча база станцияларининг мустақил равишда ишга туширилишида аққол сезилди. Уларнинг жонбозликлари туфайли 1,5 ой ичида CDMA-450 стандарти асосида ишловчи Тошкент шаҳар тармоғи ишга тушиб, республика тармоғига муваффақиятли уланди.

Тошкент шаҳар тармоғининг очилиши бошқа боғламалардаги улашилларга сезиларли таъсир кўрсатди. Мисол учун Самарқанд, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қашқадарё боғламаларида мижозлар сони жорий йилнинг иккинчи чорағида биринчи чоракка нисбатан деярли икки бараварга ортди.

Филиалнинг асосий вазифаларидан бири инфраструктура объектларини телефонлаштириш, телефонлаштирилмаган узоқ ҳудудлар аҳолисига сифатли симсиз алоқа ва интернет тармоғига улашиш имкониятини яратиш каби ишларни амалга оширишдир. Жумладан, 2008-2009 йиллар учун Тошкент вилоятидаги телефон алоқаси билан таъминланмаган мактаб, мактабгача таълим муассасалари ва кишлоқ врачлик пунктларини телефонлаштириш бўйича Тошкент вилояти ҳокими томонидан имзоланган чора-тадбирлар режаси мавжуд бўлиб, ушбу масканларни телефонлаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида янги офис очилди. Шунингдек, боғлама бўйича дилерлик шохобчалари очилу учун турли фирма ва хусусий тадбиркорлар билан агентлик шартномалари тузилиб, шу каби шохобчалар сонини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда алоқа хизматлари учун пул тушумининг 35 фоизини ҳамда улашиш учун тузилган шартномаларнинг 13 фоизини дилерлик шохобчаларига тўғри келади. Ҳозирда филиал бўйича жами 133та дилерлик шохобчаси билан шартномалар тузилган бўлиб, уларнинг 83таси Тошкент ҳудудий боғламасида жойлашган. Филиал дилерлари ишида келиб чиқаётган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини қўриб чиқиш учун ҳар ойнинг охириги жума кунини "агентлар кунини" қилиб белгиланди. Шунингдек, мижозларимизга қулайликлар яратиш мақсадида PAYNET



Мақсад — сифатли мобил алоқа хизматларини кўрсатиш

кўшма корхонаси билан шартнома имзоланди. Эндиликда мижозларимиз исталган жой ва исталган вақтда ушбу тўлов тизими орқали ўз ҳисобларини тўлдиришлари мумкин.

Турли кўшимча хизматларни кўрсатиш имкониятига эга замонавий янги биллинг тизими мижозлар учун айниқса қулай бўляпти. Бундан ташқари, филиал агентлари учун ҳам мустақил равишда деярли барча хизматларни тақдим этишлари мумкин бўлган алоҳида биллинг тизимини ишга тушириш ишлари олиб боришмоқда.

Кўшимча хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан пойтахтимизда аҳолига қулай жойларда 18та, республика бўйича эса 94та сўзлашув шохобчалари ўрнатиш учун шартномалар тузилган бўлиб, улардан 14таси Тошкент шаҳрида, 59таси эса республика миқёсида фаолиятини бошлади. Ушбу шохобчаларда исталган киши маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро кўнгироқларни амалга оширишлари мумкин. Ҳозирда филиалда 16 турдаги кўшимча хизматларнинг барчаси ишга туширилди. Келгусида яна бошқа турдаги кўшимча хизмат турларини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Боғламада кечаю кундуз мижозларга керакли ахборотларни етказиб туриш мақсадида Ахборот-маълумот бўлими (Call-centre) ташкил қилинди. Шу орқали 15 нафар ёш ходим янги иш ўринлари билан таъминланди. Ҳозирги кунда республика миқёсида мижозларимиз исталган вақтда 177-09-09 рақами орқали шу бўлим ходимларига бепул кўнгироқларни амалга ошириб, тезкор равишда керакли маълумотларни олишмоқда. Мурожаатлар сони тобора кўпайиб бораёпти. Бу эса филиал хизматларига қизиқишнинг ортаётганидан далолат беради. Шунингдек, мижозлардан тушаётган таклиф-мулоҳаза ва эътирозлар инobatта олинган ҳолда, янги база станцияларини қуриш, мукаммал тариф

режаларини ишлаб чиқиш, алоқа сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ҳозирда шу каби таклифлар асосида С.Раҳимов тумани Қорақамийш 2/4 ва Мирзо Улугбек тумани ТТЗ мавзелари ҳудудида яна иккита база станцияси ишга тушиш арафасида.

Айни пайтда мижозлар сонини кўпайтириш мақсадида турли янги тариф режалари ишлаб чиқилиб, ҳар хил акциялар ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда "Дўстининг таклиф қил" акцияси жорий қилинди. Бу акцияда бир вақтнинг ўзида мижозлар нафакат реклама, балки бошқа мижозлар орқали филиал ҳақида маълумотлар олиб, филиал хизматларини кўрсатиш учун

шартнома тузишда ўзининг ҳамда дўстининг ҳисобини 5 АҚШ долларига кўпайтириши мумкин. Бундан ташқари, телефон апаратини сотиб олиш истагидаги мижозлар учун янги телефон апарати нарҳининг 50 фоиз миқдорда тўлаш шарти билан, қолган 50 фоизини 3 ой давомида кредит орқали тўлаб, телефон апаратларини харид қилиш имконияти туғилди.

Яқинда Москвада Россиянинг "Скай Линк" компанияси билан музокаралар ўтказилди. Компанияда мижозлар сонини кўпайтириш ва техник камчиликларни бартараф қилиш юзасидан фикр алмашилди. Филиалимиз мижозларининг Россия ҳудудида халқаро роуминг орқали ишлаши бўйича шартнома имзоланди. Шу каби музокаралардан яна бири Қирғизистоннинг "Сапатком" компанияси билан бўлиб, унда ушбу компанияда мавжуд CDMA-450 стандартидаги мобил алоқадан роуминг хизматларини ташкил этиш бўйича келишув имзоланди.

Келажақда мобил интернет тезлигини янада кўпайтириш ва кенг поласали маълумотлар узатиш хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун тармоқда ишлаб турган қурилмаларни янада мукамаллаштириш зарур бўлади. Мижозлар учун қулайликлар яратиш мақсадида янги тариф режаларини йўлга қўйиш ҳам кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, шаҳар ва вилоятлар миқёсида янги база станцияларини ишга тушириш, пойтахтимиз ҳудудидаги алоқа мавжуд бўлмаган ҳудудларни қоплаш ва аҳолига арзон, сифатли, ишончли, экологик тоза алоқа хизматларини кўрсатиш компаниямизнинг асосий мақсадларидандир.

Нуралӣ САЛИМСАКОВ,
"Ўзбектелеком Мобайл"
филиали Тошкент ҳудудий
боғламаси етакчи муҳандиси

СОСТОЯЛОСЬ ОЧЕРЕДНОЕ ЗАСЕДАНИЕ ГКРЧ

14 июля текущего года состоялось очередное заседание Государственной комиссии по радиочастотам Республики Узбекистан ГКРЧ.

В ходе заседания рассмотрен и утвержден проект Перспективного плана использования радиочастотного спектра для внедрения новых технологий до 2015 года, разработанный в целях эффективного и рационального использования радиочастотного спектра и включающий наиболее востребованные полосы частот для развития данных технологий.


Рассмотрены также вопросы упрощения процеду-

ры оформления разрешительных документов на использование радиочастотных средств беспроводного широкополосного доступа (БШД) по технологии Wi-Fi в полосе радиочастот 2400-2483,5 МГц, о разработке и внедрении в радиочастотных органах программного обеспечения для создания единого регистра радиочастот в соответствии со ст. 17 Закона Республики Узбекистан «О радиочастотном спектре» и о

ходе опытной эксплуатации, проводимой пользователями радиочастотного спектра в выделенных полосах частот в соответствии с принятыми решениями ГКРЧ.

В ходе заседания приняты решения по вопросам ввоза и использования радиочастотных средств на территории республики как для реализации, так и для собственных нужд юридических лиц.

Комиссия также рассмотрела ряд других вопросов по рациональному и эффективному использованию радиочастотного спектра, по которым приняла соответствующие решения.



PAYNET™

ТЕПЕРЬ И В НУКУСЕ

Компания PAYNET начинает принимать платежи за электроэнергию в городе Нукус Республики Каракалпакстан. Такая возможность появилась с начала июля 2008 года. Жители Нукуса могут платить за данную коммунальную услугу в любом пункте PAYNET, только с помощью карты PAYNET ID, которая была введена в целях идентификации абонентов при оплате. Потребители электроэнергии могут получить PAYNET ID в главном областном управлении электросети. Также, раздача идентификационных карт будет параллельно вестись через работников электробытовой организации. Таким образом, в ближайшем времени карты PAYNET ID планируется раздать всем абонентам города Нукус.

Процесс оплаты очень прост. Абоненту, достаточно предъявить карту в одном из пунктов PAYNET и назвать любую сумму платежа от 500 до 100 000 сум.

Первоначально, в целях проведения плотного проекта, услуга по оплате электроэнергии была внедрена в одном из массивов города Ташкента. В дальнейшем данная коммунальная услуга была введена в строй по столице и в городе Келесе Ташкентской области.

На данный момент активно ведутся работы по внедрению и расширению возможности оплаты всех видов коммунальных услуг для жителей республики через систему PAYNET.

Напомним, что помимо оплаты электроэнергии была внедрена услуга по приему платежей от абонентов природного газа. Сегодня, оплату природного газа могут произвести абоненты города Ташкента и жители Фуркатского района Ферганской области.

НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

Подростки не любят разговаривать

Американские подростки и тинейджеры не любят разговаривать по сотовому телефону, сообщает CNET News со ссылкой на результаты исследования, проведенного Walt Disney Internet Group. Они предпочитают общаться при помощи SMS, либо различных служб обмена короткими сообщениями.

Старшее поколение американцев предпочитает живой телефонный разговор SMS-общению.


Представители Walt Disney Internet Group объяснили такое поведение подростков тем, что они просто не хотят отвлекаться от других занятий на телефонный разговор. Например, от общения с друзьями, просмотра фильма или компьютерной игры.

По данным компании C&R Research, в настоящее время сотовый телефон есть у каждого второго американца в возрасте от 10 до 13 лет, а также у 83 процентов подростков до 19 лет.

В среднем подросток отправляет от 50 до 70 SMS-сообщений ежедневно, или не менее 18 тысяч текстовых сообщений в год. Также при помощи мобильного телефона подростки общаются в социальных сетях, смотрят видео и ищут новые развлечения.



Компьютерный сбой в Лондоне



Компьютерный сбой, произошедший утром 12 июля, сделал непригодными к использованию тысячи лондонских транспортных карт Oyster (буквально — «устрица»), которые применяются для оплаты проезда на

автобусах, трамваях и поездах метро, передает BBC News. Для входа в автобус или метро Oyster достаточно приложить к считывающему устройству.

Несмотря на то, что система не работала всего пять часов, автобусы на нескольких маршрутах отказывались считывать информацию с билетов и позже. Им пришлось уехать в парк на перезагрузку устройств приема билетов.

Не работали и автоматы для пополнения баланса. Во время поломки турникеты были выключены, чтобы избежать большого скопления людей. С карт пассажиров, которые входили в метро, когда система не работала, но выходили, когда ее уже починили, могла быть списана сумма по максимальному тарифу метро. Ожидается, что эти деньги им будут возвращены.

Система Oyster действует с 2003 года. За это время было выпущено 17 миллионов карт. По данным организации Transport for London, ответственной за Oyster, подобных сбоев не было с марта 2006 года. Интересно, что карта была названа «устрицей», в частности, из-за своей надежности.



Apple продала миллион iPhone 3G

В воскресенье, 13 июля, был продан миллионный iPhone 3G, сообщает AppleInsider. Продажи смартфона начались 11 июля.

В прошлом году за первые два дня продаж купили лишь 270 тысяч смартфонов iPhone первого поколения. Чтобы продать миллион iPhone первого поколения компании Apple потребовалось 74 дня.

В продажу смартфон Apple iPhone 3G поступил одновременно в 20 странах. Среди них, помимо США, Австралия, Австрия, Бельгия, Канада, Дания, Финляндия, Германия, Гонконг, Ирландия, Италия, Япония, Мексика, Нидерланды, Новая Зеландия, Норвегия, Португалия, Испания, Швеция, Швейцария и Великобритания. К концу года смартфон будет доступен более чем в 70 странах.

Первый iPhone 3G был приобретен 22-летним студентом из новозеландского Окленда. Он занял очередь за три дня до начала продаж, установив палатку около магазина сотового оператора Vodafone.

Китайский хакер проведет два года в тюрьме

Ян Ли-Тао, двадцатитрехлетний житель провинции Цзян-су, был признан виновным во взломе сайта международной организации Красный Крест.

Местное отделение Красного креста открыло сайт для сбора средств в пользу людей, пострадавших от землетрясения в Сычуани. Злоумышленнику удалось получить доступ к учетной записи администратора и изменить настройки таким образом, чтобы пожертвования поступали на банковский счет, открытый им под вымышленным именем.

Преступник также инфицировал сайт вирусом, который вызвал перебои в работе в течение 27 часов.

Китайские правоохранительные органы быстро выяснили местонахождение хакера и взяли его под стражу. Суд приговорил хакера к двум годам тюремного заключения. Кроме того, Ян Ли-Тао обязан выплатить штраф в размере 5000 юаней, что приблизительно равняется 732 долларам.

Землетрясение в провинции Сычуань произошло 12 мая; жизни лишились 88 тысяч человек, около 5 миллионов остались без крова. Спустя несколько дней начал функционировать сайт для сбора пожертвований. После обнаружения взлома сайт был закрыт.

По материалам интернет

АФОРИЗМ

ЗА МАЛЫЙ ГРЕХ НЕ ПОПРЕКАЙ ЖЕСТОКО
И СМЕРТНЫЙ СУД НЕ ВЫНЕСИ ДО СРОКА.

Алишер НАВОИ



Хабар + tv

ОШТОРЛОҚ


5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Ислам»
7.05 «Имн таъдир» Т/с
7.45 «Дилуш наволар»
8.00-8.40 «Тавлинома»
8.45 «Отин мерос»
8.50 «Ифтор»
8.55 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Мўллати Боруш»
«Болалар сайкраси»
9.10 «Болалар дунёси»
9.30 «Элкан» Б/ф
11.00 «Айборт»
11.10 «Батагларлар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Ислам»
12.55 «Қор қўйида лапа» Б/ф
14.00 «Айборт»
14.30 «Отин мерос»
14.35 «Оғил ва оғил» дастури:
«Дилфариш»
15.15 ТВ анонс
15.20 «Юрт. Хайт мавзи»
15.35 «Рағин дин»
15.55 «Муҳаддас қадамжолар»
16.35 «Бир кун»
17.00 «Айборт»
17.15 «Отин мерос»
17.20 «Хайт ва қонун»
«Болалар сайкраси»
17.40 «Эрталаб» «Шахидлик етқилар»
18.00 «Сеннинг адолатчилиги»
18.05 «Уйр мангиларлар» Т/с
18.45 «Обод мангиларлар»
19.10 «ТВ анонс»
19.15 «Сенгилар оқиқатлар»
19.25 19.55, 20.55 Эълонлар
20.30 «Айборт» Т/с
20.50 «Отин мерос»
21.00 «Хайт сенгилар» Т/с
21.00 «Айборт»
21.30 «Парламент васти»
21.50 «Муҳаббат ва эхтисор» Т/с
22.55 «Ислам»
23.00 «Қишқимиз, муҳаббат» /SMS/
23.15 «Имн таъдир» Т/с
23.55-00.05 Тунги наволар
«Ўзбекистон»
00.05 Кўрсатувлар дастури.
00.10 «Батагларлар»
01.00 «Айборт» Т/с
01.30 «Отин мерос»
01.35 «Қор қўйида лапа» Б/ф
02.40 «Муҳаддас қадамжолар»
03.20 «Парламент васти»
03.40 «Амалдон сирлар»
04.00 «Айборт»
04.30 «Милг бир риком»
04.35 «Отин мерос»
04.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбек мангиларлар»
05.05 «Уйр мангиларлар» Т/с
05.45-05.55 Тунги наволар.




15.55 «Батан маҳри»
16.00 «Давр»
16.10 «Галастика» Т/с
16.45 «Жаннат ўлкаси»
16.50 «Ез нақиси»
17.00 «Согилм-бойлик»
17.20 «Қамолот»
17.30 «Бешар ва тавлима»
17.40 «Келажак ағалар»
17.50 «Бешар байра»
18.00 «ЎзЕХ хабарлар»
18.05 «Миллий мерос»
18.10 «Навои» Т/с
18.40 «Муҳто ҳазина»
18.55 «Бук тар»
19.00 «Давр»
19.30 «Ўнқ оқоим» Т/с

ДУШАНБА — 21 ИЮЛ

20.10 «ТВ-банк»
20.20 «Келажакка интилиб»
20.45 «Бешар навои»
21.00 «Давр»
21.05 «ЎзЕХ хабарлар»
21.10 «Жуман» Т/с
21.50 «Телетуфал»
21.55 «Хайт қўлуш»
22.00 «Давр»
22.30 «Тошкент оқоим»
22.35 «SMS-мусли»
23.00 «Семилангилар» Т/с
23.35 «Юрт тинчлиги»



17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 Мулфилм: «Қурол шер-2». В. жон.
18.05 21.50 «Телекуыр» - маркетинг.
18.25 «Биласон»
18.30 «Поитат»
18.50 «Эмкерлар» Т/с
19.20 «ТВ юсти»
19.25 «Мусли SMS»
19.50 «Саломат бўлинг» Т/с
20.00 «Поитат» Т/с
20.15 «ТВ юсти» Т/с
20.20 «Милгрос» Т/с
20.50 «Интервью»
21.00 «Жоза»
21.50 «Поитат»
21.45 «Айборт»
22.10 «Айборт»
22.30 «Поитат» Т/с
22.45 «Имн SMS со звездан»
22.50-00.30 Филм: Луи де Фонсеа.
«Дилгомас разбуивался»



Телекомпаниялар дилгома!
Профилактика муносабат билан 21
июл кунин «Спорт» телеканаллари
кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 «Тел-ф-тел»
18.10 «Қил намага қодир»
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.55 «Жди мен»
19.45 Волебол. Мировая лига.
Муслики.
20.30 «Бизнес револ»
20.40 Билит атлетика. Гран-при. Греция.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.50 Футбол. Чемпионат России.
«Локомотив» - «Спартак» (Москва)
23.25 «Тунгиза оқоим бўли»

БИРИНЧИ

4.00 Телеканал «Доброе утро»
6.00 11.00 14.00 Навост
8.15 «Маласов ++»
9.20 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.25 «Агент национальной безопасности»
11.50 М/ф
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Почет. Простить»
14.15 «Свиром одиноства»
15.05 «Огонь любви» М/ф
16.00 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости
17.15 Жди меня
18.05 «След»
18.50 «Мониторинг» М/ф
20.00 2.00 Время
20.30 Михаил Задорнов. «Этот безумный, безумный мир»
21.30 «Сеть» М/ф
22.20 «Офис»

22.50 Премьера. «Семь поколений российских»
23.50 Филм: «Юлтонки на обзаван»
0.45 Филм: «Волыня»
2.30 Филм: «Волыня» Продолжение

РОССИЯ

В связи с профилактическими работами канал не вещает в 10.50.
10.50 Т/с «Старые дела»
11.45 М/ф
13.00 16.00 19.00 ВЕСТИ.
13.20 16.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 Т/с «Взрослые игры». 2008.
14.35 «Суд идет»
15.30 «Жулики и партнерши»
16.50 ВЕСТИ. ДЕПУТСКАЯ ЧАСТЬ.
17.05 «Женщина без прошлого» Т/с
18.00 «Розные люди»
19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
19.50 «Спокойной ночи, малыши»
20.00 Т/с «Колдовская любовь»
21.00 Х/ф «Так не бывает»
22.00 «Мой серебряный шар». Мария Милославская.
22.55 «ВЕСТИ»
23.15 Т/с «Горыныч и Викторина»
0.10 Комедия «Большая гонка»
2.05 «Дорожный патруль»



5.00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
7.05 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ»
8.00 Серия «АЭРОПАТРУЛЬ-2»
9.00 12.00 15.00 18.00 21.40
«СЕГОДНЯ»
9.25 «НАКАЗАНИЕ. РУССКАЯ ТОРЬМА ВНЕРА И СЕГОДНЯ»
10.00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
11.00 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
12.25 Детективный сериал «ДОРОЖНЫЙ ПАТРУЛЬ»
14.30 17.30 «ОБОЗР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
15.30 Сериал «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА»
16.40 Остроумный сериал «МЕНТ В ЗАКОНЕ»
20.40 Детективный сериал «ЗАКОН И ПОРЯДОК»
22.00 Сериал «ПРОКЛЯТЫЙ РАЙ»
23.55 «QUATTROPIOTE»
0.30 Остроумный фильм «ЛИММТА»
2.10 Х/ф «ОДНАЖДЫ ДВАДЦАТЬ ЛЕТ СТЫСТЯ»

КУЛЬТУРА

4.00 «ЕВРОНЬЮС»
7.00 16.30 20.30 НОВОСТИ КУЛЬТУРЫ
7.20 «ГЛАВНАЯ РОЛИ»
7.40 22.35 Программа передач
7.50 «Технология природы» Т/с
8.45 «Марокко» Х/ф
10.15 «Есть странности в конце»
Константин Батюшков.
10.55 «Колесей в Эль-Даме. Золотая корона Африки» Д/ф
11.15 «Ольга Сергеевна» Т/с
«Носилин»
12.30 «Театральная летопись»
13.00 «Сказка про леш» Мулфилм.
13.30 «Амалдон возмезд»
13.35 «Вино из одуванчиков» Х/ф
14.30 «Страусы в полке на выживание» Д/ф
15.00 Издрет окрестностей традиционных инструментов.
15.45 ДОСТОЯНИЕ РЕПУБЛИКИ Семановское-Острод.
16.00 «Империя Корольев» Сериал

Филм 9-й «Дистанция Макаева»
16.50 ОСТРОВА. Владимир Набоков.
17.30 ОБЕЛЫЕ НАНИ БРЕГВАДЗЕ.
ЛЮБКА ЖОЗЖИ
18.25 «Приключения Шерлока Холмса и доктора Ватсона» Т/с
19.45 «Катокосон. Грозь одной крепости» Д/ф
20.00 СЕКРЕТНЫЕ ФИЗИКИ. Исаак Кисин.
20.50 «Питер Кингдон» Х/ф
22.25 Музыкальный момент. И.С.Бах.
22.40 «Дом» Д/ф
23.35 «Колесей в Эль-Даме. Золотая корона Африки» Д/ф



7.00 «ЗНА. КОРОЛЕВА ВОИНОВ» М/с
7.55 «Смелые люди» М/с
8.00 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»
8.30 21.00 «ПАПИНЫ ДОНЧИ»
9.00 «ЮЖА» Мелодрама.
10.00 19.30 1.00 «Бродяга»
10.30 «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 17.30 «Галлея»
11.30 18.00 «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ»
12.30 «ДОЧКА-МАТЕРИ» Драма
13.30 «ВСЯ ТАКА ВНЕЗАПНАЯ»
14.00 «Опавш Тинст» М/с
14.30 «Шаман Кинг» М/с
15.00 «Приключения Вуди и его друзей» М/с
15.30 «Обон. Звездные гоним» М/с
16.00 «Лодки в черном» М/с
16.30 «Клуб Винкс» «Школа волшебниц» М/с
17.00 «САБРИНА. МАЛЕНЬКАЯ ВЕЩАМА»
18.30 «ДОКТОР КТО» Т/с
22.00 «АТЛАНТИДА» Драма
22.58 Океан
23.00 «ЗОНА ВЫСАДИ»



7.00 М/ф
10.00 16.00 Т/с «БЕАФИФ - ИСТРЕБИТЕЛЬЦА ВАМПИРОВ»
11.00 Х/ф «НИБЕЛУНТИ»
13.00 Д/ф «Разрушители мифов»
14. 18.00 Т/с «АТЛАНТИДА»
17.00 «Ито»
19.00 0.00 Т/с «ЗА ГРАНЦЮ ВОЗМОЖНОГО»
20.00 Т/с «КОСТИ». США. 2005. 54-я серия.
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Екатерина II. Поединок с магией»
22.30 Х/ф «ВЫСШАЯ СИЛА» США. 1973.
1.00 Х/ф «ПАРАЗИТ»



5.00 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ»
Телеканала. 512-я серия.
5.55 «Любовные новости»
6.30 12.30 18.00 Такси.
6.30 «Ох уж эти дети!» 81-я серия.
7.00 18.30 Москва: инструкция по применению.
7.30 «Необъяснимо, но факт» «Нудеса и факты»
8.30 9.00 17.00 19.00 19.30 «СЧАСТЛИВЫЕ ВМЕСТЕ»
9.30 23.45 Т/с «САЩА + МАЩА»
10.00 Т/с
13.00 «Женская лига» Комедия.
13.30 20.00 23.15 «Дом-2»
15.00 «И ПРИШЕЛ ПАУК»
17.30 «ГУМАНИДЫ В КОРОЛЕВЕ»
«Правдивая ложь» Ситком
21.00 «ВОКРУГ СВЕТА ЗА 80 ДНЕЙ»
0.15 «Был громкоговор»
1.20 «КАНИКУЛЫ»

STANBOK

5.55 Кўрсатилар дастури.
6.00 «Ал-Азис, Ўзбекистон».
7.00 «Идил».
7.05 «Йил тақдир» Т/с.
7.45 «Дилулу ноиллар».
8.00-8.30 «Айборт».
8.35 «Олтин мерос».
8.40 «Уйр манзаралари» Т/с.
9.20 «Азис».
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Буюк инанг йили, Бошим».
«Болалар сайраси».
9.50 «Уйла, Ила, Топ!».
10.30 «Ади-уа Гримм этаклари» М/с.
10.55 «Сонетин каволати».
11.00 «Айборт».
11.10 «ТВ шифокор».
11.15 «Хайт синоалари» Т/с.
11.50 «Айборт» /инглиз/.
12.00 «Ассолон, Ўзбекистон».
12.50 «Айборт».
13.00 «Муҳаббат ва актриса» Т/с.
14.00 «Айборт».
14.20 «Олтин мерос».
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Замин ташаххуши».
14.45-20.00 йил «Шалар йили, «Ўзбекистон».
«Малайида» - 1-кисм.
16.00 «Парламент акти».
16.25 «ИИБ хабарлари».
16.40 «Дунё манзаралари».
17.00 «Айборт».
17.45 «Олтин мерос».
17.50 «Юрт меҳри».
«Болалар сайраси».
17.40 «Эрталаб» - воқеалар етаклари.
17.55 «Худудлар хайти».
18.10 «Уйр манзаралари» Т/с.
18.50 «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги олдидан» «Захондор».
19.10 «ТВ шифокор».
19.15 «Оқишлар оқишлари».
19.25, 19.55, 20.55 Эфирлар.
19.30 «Айборт» /рус/.
20.05 «Олтин мерос».
20.10 «Хайт синоалари» Т/с.
21.00 «Айборт».
21.30 «Бир улаки...».
Бразилия – иқтисодиёти нобарқарор ривожланаётган, почта хизмати молия хизматлари кўрсатиш орқали ижтимоий ҳаётда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлардан ҳисобланади. Мамлакат Почта банки Bradesco Bank билан ҳамкорликда кичик сармоядорларни жалб этиш орқали миллий иқтисодиётга миллионлаб доллар фойда келтирмоқда. Иқтисодий ночор туманларда юксак технологиялар ва тараққиётнинг бирдан-бир тақдим этувчиси Почта банки ҳисобланади.



Океанортининг мазкур мамлакатда илк почта банклари 2002 йилда, Бразилия почтаси ҳамда Почта ва телеграф вазирлиги ҳамкорлигида ишга туширилган. Бунгача 5 миллиондан зиёд фуқаролар молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас эди. 2002 йилда ҳали биронта ҳам банк бўлими мавжуд бўлмаган 900та маҳаллий туманда почта банклари очилди. Айни пайтга келиб почта банки мижозлари сони 40 миллионга етди.

Санта Роза до Пурус — Бразилиянинг Амазонка дарёси ҳавзасида жойлашган олис туманларидан бири. Бу ерда 3 минг киши яшайди, уларнинг 82 фоизи умуман бориш қийин чакалзор ўрмонлар аҳли. 2003 йили бу ердаги почта бўлимларига замонавий қурилмалар ўрнатилди ва интернетга уланди. Натижада аҳоли электрон пул жўнатиш ва олиш, банкларга пул қўйиш, почта банкоматларидан пул олиш ва турли тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Минтақада почта банкининг очилиши маҳаллий ва давлат хизматчиларига иш ҳақларини тўлашни бирмунча осонлаштирди, ўз навбатида, аҳоли ва ташкилотлар почта-банк бўлимлари орқали давлат ва федерал солиқларни тўлашга ўтишди. Буларнинг натижаси ўлароқ, минтақада пул айланмаси кўпайди, янги иш ўринлари очилди.

Германия



Германия почта хизмати (Deutsche Post)нинг молиявий хизматлар шўъбаси Почта банки — Postbank ҳамда Почта пенсия хизматидан ташкил топган. Бугунги кунда Postbank 11,5 миллион мижозга эга, таъкидлаш ўринлики, йил сайин мазкур банка мурожаат қилувчилар сони ошиб борапти. Германиянинг 780дан ортиқ почта-банк марказлари томонидан мижозларга кенг турдаги: ссудалар ва омонат жамғарма ҳисоблари, турли лойиҳалар учун инвестиция қилиш, суғурта маҳсулотлари, шунингдек, ипотека кредитлари сингари молиявий хизматлар тақдим этилмоқда. Почта бўлимлари банк қурилмалари билан жиҳозланмаган туманларда эса почта-банк хизматлари мобил офислар орқали йўлга қўйилган. Улар доимий мижозларга хизмат кўрсатишдан ташқари, омонат жамғармалари ва инвестициялаш борасида маслаҳат бериш йўли билан бошқаларни ҳам ўз хизматларидан фойдаланишга жалб этадилар. Postbankнинг бизнес-мижозлари орасида нуфузли тадбиркорлар ва йирик компаниялар, ўрта ва кичик бизнес вакиллари жуда кўплаб учратиш мумкин. Масалан, ҳар бирининг йиллик даромади 2,5 миллион еуродан ошувчи корпоратив мижозларнинг сони 40 мингдан зиёддир. Улар учун тижорий ва логистик молия сингари махсус хизматлар ишлаб чиқилган.

Deutsche Postнинг пенсия хизмати давлат пенсиялари ҳамда суғурта бўйича бахтсиз ҳодисалар тўловларини амалга оширади, шунингдек, хорижий провайдерлар томонидан ажратилган ижтимоий таъминот сармояларини эгаларига етказиш билан шугулланади. Шу билан бирга, бу хизмат профессионал пенсия таъминоти маҳсулотларини ҳам тақдим этади.

Швейцария



Швейцария почтаси (Swiss Post)нинг молиявий бўлими — PostFinance ички ва ташқи бозорда муваффақият билан фаолият юритмоқда. Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярмида бўлим томонидан 108 мингта янги ҳисоб рақами очилди. Уларнинг учдан икки қисми — депозит (омонат жамғармасига оид), қолган қисми эса — “сарик ҳисоблар” (турли тўловларни амалга оширишга мўлжалланган ҳисоблар). Интернет-тўлов соҳасида ҳам олға силжиш кузатилди — yellownet e-banking хизмати мижозлари сони бир йилда яна 60 мингтага кўпайди ва фойдаланувчилар сони жами 545 минг кишига етди. Бу натижа PostFinanceга Швейцария электрон тўловлар бозорида етакчи сифатида мавқеини янада мустаҳкамлаш имконини берди. Етти йиллик фаолият даври PostFinanceнинг ягона хизмат (тўловларни амалга оширувчи)га ихтисослашган провайдердан тўлақонли молиявий амалиётлар ўтказувчи оператор сифатида шаклланишига кифоя қилди.

Сўнгги йилларда мазкур бўлим кредитлаш соҳасини ҳам “забт” этишни бошлади. Бу бир нечта босқичда амалга ошириляпти. 2003 йилда банк хусусий мижозларга ипотека кредитлари тақдим этишни бошлади, 2004 йилдан эса кредитга доир маҳсулот ва хизматлар кантон (ўлка) ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари доирасида татбиқ этишга киришилди. 2005 йил бошларида кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун “сарик кредитлар” хизмати жорий этилди. 2007 йилнинг июнига келиб хусусий, ишбилармон ва маҳаллий доирадаги мижозлар учун берилган жами кредит миқдори 1,16 миллиард швейцария франкини ташкил этди. Ҳозир ҳам PostFinance келгусида банк фаолиятини ривожлантиришга замин ҳозирловчи молиявий фаолиятга доир “янги ороллар”ни кашф этиш борасида изланмоқда. Онлайн-савдо ана шундай “ҳазиналар ороли” бўлиши мумкин. Агарда бу хизмат йўлга қўйилса хариддорлар кредит картаси ёки PostFinance картасидан бир пайтда фойдаланишлари мумкин бўлади. Онлайн-дўконлар тўловларга ишлов бериш учун PostFinanceнинг 2 мингта дўконга хизмат кўрсатувчи тўловлар хизмати провайдерлари билан ўзаро боғланган. Почта банкининг онлайн-тўловлар соҳасидаги савдоси йилига 60 фоизга ошиб борапти.

Жорий йилнинг май ойидан PostFinance Европа Итифоқи ташқарисида хусусий ва ишбилармон мижозлар учун еврода бепул пул ўтказмалари хизмати кўрсатишни бошлаган Швейцариядаги илк молиявий институтга айланди.

Ҳозир ҳам PostFinance келгусида банк фаолиятини ривожлантиришга замин ҳозирловчи молиявий фаолиятга доир “янги ороллар”ни кашф этиш борасида изланмоқда. Онлайн-савдо ана шундай “ҳазиналар ороли” бўлиши мумкин. Агарда бу хизмат йўлга қўйилса хариддорлар кредит картаси ёки PostFinance картасидан бир пайтда фойдаланишлари мумкин бўлади. Онлайн-дўконлар тўловларга ишлов бериш учун PostFinanceнинг 2 мингта дўконга хизмат кўрсатувчи тўловлар хизмати провайдерлари билан ўзаро боғланган. Почта банкининг онлайн-тўловлар соҳасидаги савдоси йилига 60 фоизга ошиб борапти.

Жорий йилнинг май ойидан PostFinance Европа Итифоқи ташқарисида хусусий ва ишбилармон мижозлар учун еврода бепул пул ўтказмалари хизмати кўрсатишни бошлаган Швейцариядаги илк молиявий институтга айланди.

Сўнгги йилларда мазкур бўлим кредитлаш соҳасини ҳам “забт” этишни бошлади. Бу бир нечта

Ҳурматли ўқувчи! Гувоҳи бўлганингиздек, юқорида кўриб чиқганимиз, ҳар бир мамлакат почта хизмати молиявий хизматларни ривожлантиришнинг ўзига хос ва мос йўлларида борапти. Уларнинг ўз мамлакатлари иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўиши баробарида ижтимоий аҳамиятга сазовор жуда кўп ишларни амалга ошираётганлари ибратлидир. Албатта, японларга хос изланувчанлик, бразилияликларга хос иштиёқ, немисларга хос интизом ва швейцарияликларга хос ҳалоллик устун бўлган жойда доим муваффақият тантана қозонаверади.

АЛОҚА ОЛАМИДА

SMSни АРЗОНЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида яшовчи мобил телефон фойдаланувчиларининг Иттифокнинг бошқа мамлакатларидагилар билан SMS воситасида мулоқоти арзонлашиши мумкин. Ҳар ҳолда бу иш билан Европа Комиссияси жиддий шугулланапти.

Маълумотларига қараганда, ҳозир Иттифокнинг бир мамлакатидан бошқасига жўнатиладиган битта SMS-хабар нархи ўртача 29 евроцент (46 АҚШ центи)ни ташкил этади. Бу ўртаҳол европаликлар учун ҳам анча қimmatлик қилади.

Еврокомиссия мобил операторларга битта SMSни 11-15 евроцент атрофида баҳолашни тавсия қилган. Аммо GSM Ассоциациясининг фикрича, Еврокомиссиянинг босим ўтказиши операторларнинг янги хизматларга инвестиция қилишларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

МОБИЛ ТЕЛЕФОН — ПАШШАГА ҚАРШИ

Жанубий Кореяда кўпдан буён мобил телефонлар нафақат мулоқот воситаси сифатида, балки мобил телевидение намоишларини томоша қилиш ҳамда электрон почтани текширишда қўлланиб келинаётганидан яхши хабардорсиз. Энди корейслар яна бир қўлайликка эга бўлишди.

SK Telecom ва KTF компаниялари Mosquito Repelling Plus деб номланувчи янги хизматни жорий этишди. Бу сервисга уланган телефон радиотўлқин частоталари ёрдамида 1 метрча радиусда ҳар хил пашша ва чивинларни ҳайдайди.



GOOGLEга МАРҲАМАТ!

Google интернет қидирувчиси 3,2 миллиард мобил телефон фойдаланувчисини интернетга жалб этиш ниятида. Айни дамда шахсий компьютердан фойдаланувчилар сони 850 миллионгани ташкил этади.

Сингапурда ўтказилган брифингда Googlening мобил бўлими раҳбари Энди Рубин мобил телефонлар бозори интернет соҳасидан уч маротаба катталигини ва бу бозорга Googlening ташрифи ҳар томонлама қонуний асосга эга эканлигини таъкидлаган.

ТЕЛЕФОН БАТАРЕЯСИ — ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁ

Мобил телефонларнинг эски батареялари ва муддатнинг ўтаб бўлган электрон қурилмалар яқин орада асосий рангли металл манбаларига айланади, деб ёздаи Францияда чоп этиладиган Le Figaro газетаси.

Франциянинг хом ашё ресурслари бўйича кузатув қўмитаси маълумот беришча, агарда ҳозирги суръат сакланиб турса, жаҳон мис захиралари яна 40 йилдан сўнг, қўроқшын 28 йил, қалай эса 17 йилдан сўнг тугаши мумкин. Темир ва алюминий 440, 220 йилгача етаркан.

Ресурслар компанияси асосчи-президенти Фаррух Теҳарнинг таъкидлашича, вазият ўта қаттиқлашмасдан туриб, “янги қонлар” — иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш технологияларига жиддий эътибор қаратиш лозим.

USTOZ-SHOGIRD AN'ANASI

Талабаларнинг келажак-да ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлишида уларга таълим-тарбия бераётган устозу мураббийларнинг ўрни бекиёс.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факултетининг "Физика" кафедрасида талабаларга билим беришда янги педагогик ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланилмоқда.


Дунёдаги энг нуфузли университетларнинг талабаларига ўргатилаётган турли хил дастурлар бу кафедрада ҳам физикани ўқитиш жараёнида ўз аксини топмоқда. Ҳўш, бу қандай дастурларки, талабаларнинг физика фанини ўрганишга қизиқишларини орттириб, ҳаттоки танаффусга кўнғироқ чалинганлигини ҳам пайқамай қолишларига сабаб бўлмоқда?

Бу дастурлар Crocodile Physics, Interactive Physics, Beginnings of Electronics виртуал конструкторлари, MathCad ва MatLab математик тизим пакетлариридир.


Ушбу дастурлар орқали биз физикадан маъруза ва амалиёт дарсларида физик жараёнларни олдин тахлилий равишда ечиб, кейин эса виртуал конструкторлар орқали моделлаштирмоқдамиз. Бу эса, ўз навбатида, физик жараёни кўз олдимизга яққол келтириш имкониятини бериб, айрим кузатиш қийин бўлган жараёнларни виртуал лаборатория дастурлари орқали бажариш имконини бермоқда. Бу дастурлар менда илмий изланишга бўлган қизиқишимни янада орттирибди.

Илмий ишларимда "Физика" кафедраси мудири, профессор Қаҳҳор Абдурахмонов ва кафедра аспиранти Во-


Устозлар изидан



Crocodile Physics



Interactive Physics



Beginnings of Electronics


хид Ҳамидов, шунингдек, кафедра-нинг бошқа ходимлари яқиндан ёрдам беришяпти.

Кафедранинг илк илмий ишларини Қ.Абдурахмонов ва В.Ҳамидовлар раҳбарлигида Matlab Web Server'дан

фойдаланган ҳолда физик жараёнларни моделлаштириш билан бошладим. Matlab Web Server'дан Matlabнинг стандарт компонентларини қўллаган ҳолда, интернетда ишлаш учун илова яратишга эришдик. Илова серверда ишлайди. Иловада қуйидаги йўналишлардаги масалаларни моделлаштириш имкони пайдо бўлади:

- физикада (яримўтказгичларнинг ўта паст ҳароратда Ферми сатҳини ҳисобловчи илова);
- тиббиётда (юрэк уришининг ЭКГ тахлили);
- таълим тизимида (ўқувчиларнинг билимини мониторинг қилиш) ва бошқа соҳалар.

Фойдаланувчи эса Web браузер орқали у билан алоқада бўлиши мумкин. Илова билан ишлаш учун фойдаланувчига Matlab ёки интернет браузернинг қўшимча компонентлари керак бўлмайди. Matlab Web Server'ни қўлаш, айниқса, масофавий ўқитишда яхши самара беради.



Мижознинг Matlab Web Server билан ўзаро алоқаси

Ҳозирча бу Matlab Web Server'нинг локал тармоқда ишлайдиган муболи-ли устида ишлар олиб боришмоқда. Яқин кунларда унинг локал тармоқда ишлайдиган муболилининг глобал тармоққа ўтказиш ниятидамиз.

Бизнинг фикримизча, бу тизимни қуйидаги йўналишларда амалиётга татбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир:

- бўлажак муҳандислар турли замонавий дастурлар ва мураккаб математик моделлар устида ишлай олишлари шарт;
- қўлланилаётган ушбу тизим машғулотлардаги масалалар мураккаблигини ошириш ёки курс ишлари, диплом ишларида вазибаларни чуқурлаштириш йўли билан ўрганилаётган материални мукамалроқ ўзлаштиришга ёрдам беради;
- математик маълумотлар тизимидан фойдаланиш имконияти, ўз навбатида, талабаларни ўқитиш жараёнида мустақил ишлаш имкониятини оширади;
- бу тизимлар энг аввало илмий изланишлар характеридаги масалаларда жуда қўл келади.

Юқорида санаб ўтилган имкониятлардан, Matlab Web Server'дан факатгина аниқ фанлардан билим олиш жараёнида эмас, балки илмий мақо-лалар яратиш ва тадқиқотлар олиб боришда ҳам фойдаланиш мумкин.

Мен бошлаган илмий ишимни муваффақиятли давом эттириб, келажакда ахборот технологиялари соҳасида етук мутахассис бўлиш ниятидаман.

Улугбек УМАРОВ,
ТАТУ радиоалоқа,
радиоэшиттириш ва телевидение
факултетининг 3-босқич талабаси

ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАКТНИ БОЙ БЕРМА!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

"ЭФФЕКТ - МОЛИЯ"

ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ИНТЕНСИВ ЎҚУВ
БЎЛИМЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

(маҳакали раҳбар ва бош ҳисобчилар даре берадилар)

■ **Урта ва кичик бизнес менежер** — 1 йил, тезкор-5 ой,
1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қончилиги, компютер, интернет).

■ **Бухгалтер-молчи** (бош ҳисобчи даражасида) — 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нолдан балансга, компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).

■ **"1С" бухгалтерия программаси** — 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.

■ **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** - шартнома асосида.

■ **Корхона ҳуқуқшумолиги** (Компютер, ҳужжатлаштириш, Меҳнат қончилиги, Бизнеснинг ҳуқуқий асослари, Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.

■ **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.

■ **Қадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, меҳнат қончилиги).

■ **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ: (факат яқка тартибда)

■ **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint, Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.

■ **INTERNET ва E-MAIL** (электронпочта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.

■ **Компютерларни модернизациялаш, янгиш ва дастурларини ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.

■ **Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.

■ **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеоонтаж) дастури - 1 ой, 40-50 минг сўмдан.

■ **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) -

2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

■ **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.

■ **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.

■ **Уяли телефонни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.

■ **Уяли телефонни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.

■ **Программаларни ўрнатиш, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус билан ишлаш** - 1 ой, 100 минг сўм.

■ **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

III. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:

(кучик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)

■ **Инглиз тили** (бошловчилар учун) - 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Рус тили** (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Немис, француз, инглиз, рус, корейс, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.

IV. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЕРЛАШ БЎЛИМИ:

(факат кучик гуруҳларда)

■ **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.

■ **Сартаро-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Тирикчилик ва кичик ишларни ўстириш, тирикчиликни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой - 150 минг сўм.

■ **Косметолог-вижажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (компютер ва интернет

билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

Ўқитиш поликлиникада.

■ **Фармацевтика** (компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқитиш дориконда.

■ **Кийимларни тикитиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пар-далар** - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Астари устки кийимлар тикитиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикитиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Қўлда кийим-буюмлар тўкуви** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.

■ **Бисер усулида каштачи-безакчи** (олий курси билан) - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Зардўзлик** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.

■ **Машинада ва қўлда кашта тикитиш** (вишивка) - 3 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).

■ **Юшмоқ ўйимчилик** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Ўйгур, мишлий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Пазадчилик** (пишириқлар, тортилар, салатлар, овқатлар...) - 3 ой, тезкор - 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.

■ **Тортиларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм, (яқка тартибда).

■ **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яқка тартибда, заргар ўргатади.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 84-уй, "Қозоғистон" кинотеатрининг ўнг томонида.

АВТОБУСЛАР: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115.

КЕЛИШ ЙЎЛИ: метронинг Минор, автобусларнинг "Қозоғистон" кинотеатри бекети.

Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.

● Дарслар факат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданок бошланади.

● Ўқитиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқитиш учун факат **паспорт ёки туғилганлиқ ҳақида гувоҳнома** талаб қилинади.

Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!

● **Сертификат-диплом берилади.**

■ **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни - яқшанба. **Етоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

ОМАД СИЗГА, АЗИЗ ЁШЛАР!

(Репортаж)

Бугунги кунда республикаимиздаги барча олий ўқув юртлири ёшлар билан гавжум. Улар мактаб ёки коллежларни битириб, ўзлари танлаган соҳа мутахассиси бўлиш, ҳаётда муносиб ўрнини топиш, шу йўл билан юрт ривожига ҳисса қўшишдек эзгу ниятни дилларига жо қилган абитуриентлардир.

Биз қабул жараёни қандай кетаётгани, ёшлар учун яратилган шароит билан қизиқиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига етук мутахассислар тайёрлаб бераётган ягона олий ўқув юрти — Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлдик.

ABITURIENT — 2008

Пойтахтликларнинг сеvimли оромгоҳи — Аквпаркнинг шундоқкина рўпарасида, салобатли бинода жойлашган мазкур олий билим даргоҳи нафақат мамлакатимиз, балки МДХ республикалари ичида ҳам машҳур. Бу даргоҳни битирганлар қўшни мамлакатларда ҳам ишлаб, алоқа соҳасини ривожлантиришга ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Олийгоҳ ҳудудига киришингиз билан чап томондаги эълонлар тахтасига кўзингиз тушади. У ерда ҳужжат тайёрлашдан тортиб, қабул жараёни ҳамда кириш имтиҳонларининг қачон ва қаерда ўтишига маълумотлар мавжуд. Эълонлар тахтасининг орқасидаги бинода кичик фотография хонаси очилибди. Бўлғуси талабалар шу ернинг ўзида суратга тушиб, қисқа муддатда олишлари мумкин. Нусха қўчириш аппарати мунтазам ишлаб турибди.

— Бу йил университетимиз бакалавриатурасига махсус сиртки факультет билан қўшиб ҳисоблаганда 2130 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган, — дейди қабул комиссияси масъул котиби, ахборот технологиялари факультети декани ўринбосари Эрбўл Бугибоев. — Шу йилнинг 10 июлига қадар 2941та ҳужжат қабул қилинди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 211та кўпдир.

Биз бўлғуси талабалар билан ҳам суҳбатлашдик. — Ҳарбий хизматни тугатиб, тўғри шу олийгоҳга келдим, — дейди ўзини Бахтиёрман деб таништирган йигит. — Мақсадим армия хизматига қизиқиб қолганим — алоқачилик касбини ҳаётда ҳам давом эттириш. Биз ҳарбий хизматдан қайтганлар учун барча шароитлар яратилган. Математика, физика, она тили ва адабиёти, чет тили фанлари бўйича бепул машғулотлар ўтиляпти. Шунингдек, биз учун тайёрлов курслари ҳам мавжуд. Республика Президентининг махсус қарори билан тест синовларига баҳо беришда 25 фоизлик имтиёзга эга эканлигимиз бизни жуда қувонтириб, янада пухта тайёрланишга даъват этяпти.

Университетда фарзандлари билан бирга келган ота-оналар учун меҳмонхона мавжуд. Биз у ерга кирганимизда яратилган шароитни кўриб жуда мамнун бўлдик.

— Жиззах вилоятининг қизимни олиб келдим, — дейди Манзура опа Воҳидова. — Биз ота-оналар ҳам олийгоҳ диққат-эътиборига бўлганлигимиздан хурсандмиз. Бир пиёла муздек ичимлик тутиб, хуш келибсиз, дея қарши олишса, қандай яхши. Бу ерда абитуриентларнинг билим даражасини синаш мумкин бўлган компютер ҳам бор экан. Қабул комиссиясидаги маслаҳатчиларнинг тавсиясига кўра қизим тест синовларини топириб кўрди. Унинг ўқишга кира олишига ишончи ортди.

Абитуриентлар учун бу ерда 25 июлдан 30 июлга қадар консултив машғулотлар ўтказилиб, қўлларига ДТМ варақалари топирилади. Бу варақада имтиҳон қаерда, қай вақтда ва қандай ўтказилиши кўрсатилади.

Қабул ишлари билан танишиш жараёнида махсус сиртки факультет ҳақида ҳам сўрадик.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги қарори билан мазкур факультет ташкил этилган, — дейди Эрбўл Бугибоев. — Бундан мақсад коллежларни битириб, соҳада ишлаётган мутахассисларнинг касб-малакаларини оширишдан иборатдир. Зеро, ахборот технологиялари соҳаси халқ ҳўжалигининг замонавий технологиялар ҳисобига янгиланиб туривчи тармоғидир. Бу йил мазкур факультетга 90 нафар талаба қабул қилинади.

Биз олийгоҳдан қайтар эканмиз, кўзлариде шижоату умид барқ уриб турган ёшларга омад тиладик.

Муборак МИРКАМолова

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2008 йилнинг 1 августидан бошлаб айрим телекоммуникация хизматларининг тарифлари ўртача 12 фоизга ўзгаришини маълум қилади:

- шаҳарлараро телеграф ва телефон алоқа каналларини ижарага бериш;
- тармоқлар орасидаги боғланишлар.

Хизматлар лицензияланган.
«Ўзбектелеком» АК

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Самарқанд вилоят телевидениесига «Самарқанд Телеком» филиали раҳбар ва мутахассис ходимлари иштирокида 2008 йил «Ёшлар йили Давлат дастури»нинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ХОДИМЛАРНИ РУҲЛАНТИРМОҚДА

Унда филиал раҳбарияти ва мутахассислари томонидан Ёшлар йилида амалга оширилаётган қатор ибратли ишлар тўғрисида баҳс юритилди.

Телетомошабинлар филиал томонидан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида илк маротаба оила курган 5 нафар ходимга 1 млн. сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилганидан хабардор бўлдилар.

Филиалнинг 45 нафар ёш ходими Соҳибқирон Амир Темур бобомиз туғилиб, вояга етган Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрининг кўҳна ва тарихий обидаларига саёҳат қилдилар. 2008 йилнинг ўтган ярим йили давомида Тошкент ах-

борот технологиялари университетининг 2 нафар, Самарқанд ва Тошкент алоқа коллежларининг 3 нафар битирувчиси ишга қабул қилинди.

«Самарқанд Телеком» филиали ёшларидан ташкил топган футбол жамоаси жорий йилнинг 20-23 март кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Дўстлик» кубогини мусобақаларида, 5-8 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбектелеком» АКнинг кўчма кубогини мусобақаларида муваффақиятли қатнашишди.

Спортни соҳа ходимларининг кундалик эҳтиёжига айлантириш мақсадида филиалда (шахмат, шашка, стол тенниси, кўпкураш мусобақалари) бўйича уч босқичли спартакиада ўтка-

зиш юзасидан ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ташаббуси билан «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида Ёшлар йилига бағишланган «Соғлом оила» республика мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари филиаллари, корхона, ташкилот ва муассасалар жамоаларининг Ёшлар йилига бағишланган уч босқичли республика спартакиадасини ўтказиш низоми» асосида туман телекоммуникациялар боғламалари ўртасида 1-босқич мусобақалари ўтказилди.

Ёшлар йилида ўтказилган бундай тадбирлар алоқа соҳасида меҳнат қиляётган барча ходимларни руҳлантирмоқда.

Абдугуфур ҲОТАМОВ,
«Хабар»нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг қувончи чексиз. Боиси Фаргона шаҳри марказидаги катта майдонда филиалнинг янги биноси мажмуаси бунёд этилмоқда.

ЯНГИ ОРЗУЛАР ҒУНЧАСИ




— Мустақиллигимизнинг 17 йиллик шодиёнасини кўтаринки руҳда қутиб оляпмиз, — деди Филиал директори, техника фанлари доктори Рустамжон Тешабоев. — Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майдаги «Фаргона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида филиалимизнинг янги биноси барпо этилмоқда. Бу ғамхўрликдан беҳад миннатдоримиз. Бу эътибор бизни илм-фанда юксак чўққиларга чорламоқда. Айниқса, талабаларимизнинг ўқиб-изланишга, илм бўстонларини кашф этишга бўлган иштиёқлари янада ошганини айтмай-сизми? Бир сўз билан айтганда, янги мажмуанинг қурилиши эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади, шу ғамхўрлик шарофати билан қисқа фурсатларда талаба ўғил-қизларимиз орасидан Ватанимизнинг равақига равақ қўша оладиган фаранголарни, етук олимлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Биз қурилиш объектида бўлиб, ишларнинг бориши билан ҳам танишдик. Янги мажмуа — ўқув биноси, ёпиқ спорт зали, теннис, баскетбол ва волейбол майдонлари қурилиши икки сменада ташкил этилган бўлиб, юз нафарга яқин қурувчилар меҳнат қилишмоқда. Хусанбой Нурчаев бошлиқ ёшлар қурилиш бригадаси жамоасининг ғайрат-шижоатига ҳавас қилдик. Муҳаммаджон Хусанов, Қодиржон Ҳайдаров, Бозорбой Тўракулов, Юсуфжон Ҳакимов, Улуғбек Каримов, Шерзоджон Йўлдошев ва бошқа устаю қурувчи йигитлар суръат ва сифатда барчага ибрат кўрсатмоқдалар. Ерўла ишлари ниҳояланиб, гишт теришга киришилди. Ободонлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

Ишшоотда филиалнинг «Бунёдкор» меҳнат отряди ҳам ўз фаолиятини бошлаб юборди. Пойтахти азмидеги ТАТУнинг улуғвор биносини эслатувчи орзуимиздаги муҳташам бино сентябр ойининг охиригача ўз чиройини кўрсатади. Янги қиёфадаги ўқув юртида янги орзу-режалар ғунча очади.

Ҳафиза САЛҲОВА,
«Хабар»нинг Фаргона вилоятидаги муҳбири

KROSSVORD



ЭНИГА:

1. Чойнакнинг ўтмишдоши, қадимий рўзгор буюми. 5. Иқтисодиётнинг муҳим соҳаси. 10. Виллот маркази. 11. Тропик мева. 12. Ховли ўртасига ёки четига унинг юзасидан баландроқ қилиб ишланган саҳн. 14. Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий ҳаракати. 15. Скандинавия яриморилидаги давлат пойтахти. 18. Кавказдаги халқ, қахрамонлик эпоси. 19. Модданинг муайян шароитдаги газсимон ҳолати. 20. Куёш атрофида эллиптик орбита бўйлаб ҳаракатланувчи энг катта жисм. 23. Миллий спорт тури. 24. Асакада ишлаб чиқарилган автомобил. 28. Европадаги мамлакат пойтахти. 29. Шахмат донаси. 30. Балиқ тури. 34. Ҳинди-Хитойда жойлашган давлат. 35. Биринчи фазогир. 36. Ҳафтанинг муборак кўни. 39. Битимларни тасдиқловчи, мерос ҳуқуқи ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштирувчи адлия идораси. 40. Сурхондарё вилоятидаги туман. 41. Телесериал, Африкадаги йирик кўриқхона. 42. Белги ва хусусиятларнинг наслдан-наслга ўтиб такрорланиши.

БЎЙИГА:

2. Осиё шарқидаги мамлакат. 3. Музлатгич русуми (Россия). 4. "Темир хотин" кинофилмининг асосий қаҳрамони. 5. Хом ашёдан буюм ва деталлар тайёрлайдиган дастгоҳ. 6. Эркин Воҳидов достони. 7. Самарқанднинг милoddан аввалги номи. 8. АҚШдаги шаҳар, штат маркази. 9. Фарбий Африкадаги давлат. 12. Шоҳ, шоир ва тарихчи. 16. Қорақалпоғистондаги туман, қомусий олим номи билан аталадиган шаҳар. 17. Ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи. 21. Украинада ишлаб чиқариладиган автобус русуми. 22. Хўрандалар тик туриб овқатланадиган кичик ресторан. 25. Канададаги шаҳар. 26. Сўз туркуми. 27. Жанубий Америкада жойлашган мамлакат. 28. Меваси сершира, раънодошларга мансуб чалабута. 31. Шарқ фолклорида, ҳажвий латифаларда халқ қаҳрамони. 32. Пул ўрнига тўланадиган мол, маҳсулот. 33. Енгил автомобил русуми. 37. Кўп торли чолғу асбоби. 38. Қозғистондаги дарё, Сирдарёнинг ўнг irmoғи.

Тузувчи: Исмоил МУСО

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан:

"NERS ENERGY MOUNTING" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент шаҳри) ариза-сига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002028 рақамли; "SANI TELEKOM" унитар корхонасининг (Тошкент шаҳри) ариза-сига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002132 рақамли; "YURMAN-TAKSOFON" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) ариза-сига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002131 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2008 йил 11 июлдан тўхтатилди.

FOYDALI MASLAHATLAR

- ✓ **Сутнинг таги куймасин десангиз, қайнатишдан олдин идишни совуқ сув билан чайинг.**
- ✓ Ачиб қолган сутни ташлаб юборишга шошилманг. Уни хамирга ишлатсангиз бўлади.
- ✓ **Ёғсиз сут маҳсулотларини мунтазам равишда истеъмол қилиш гипертония (юқори қон босими) касаллигига чалиниш эҳтимолини 50 фоизга камайтиради.**
- ✓ Бақлажон суви юздаги доғларни камайтиради.
- ✓ **Ҳар кўни тоғ ялпизини сувда қайнатиб ичсангиз, гамгинликдан халос бўласиз.**
- ✓ Ёнғоқ баргини қайнатиб, сувидан бир пиёла баданга суртилса, асаб касалликларидан халос бўласиз.
- ✓ **Ёзнинг иссиқ ҳавоси турли ҳашаротларнинг кўпайишига шароит яратди. Улардан энг ёмони куя бўлиб, қишки кийимларингизни илма-тешиқ қилиб ташлаши мумкин. Либосларни қуядан сақлашнинг осон йўли жовон ва кийимлар орасига ёнғоқ барги ёки ялпиз қўйиб чиқинг. Кейин қайғурмасангиз ҳам бўлади. Чунки ёнғоқ ёки ялпиз барглариининг ҳидига куя тоқат қила олмайди.**
- ✓ Сўлиб қолган кўкатларни "тирилтириш" учун сирка қўшилган сувга бироз ботириб қўйинг.
- ✓ **Сабзавотлар қайнатилётган сувга бир чимдим шакар қўшсангиз, мазази бўлади.**
- ✓ Мева ва сабзавотларни тозалашдан олдин қўлингизга сирка ёки лимон шарбати суртиб олсангиз қорайиб кетмайди.
- ✓ **Пирог чиройли қизариб пишиши учун устига кўпиртирилган тухум, сут ёки шўр сув пурканг.**

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали Денов туман почта алоқаси тармоғи жамоаси ва бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси почта соҳаси фахрийлари — **Исмоил АБДУЛЛАЕВ** ҳамда **Хосият АЛИМАРДОНОВА**ларни кутлуг 55 ёшга тўлганликлари билан табриклаб, уларга узоқ умр ва мустақам соғлиқ тилайди.

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlararo aloqa korxonasi" филиали жамоаси филиал директори биринчи ўринбосари **Игор ГУЗМАН**ни 60 ёшга тўлиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Унга мустақам саломатлик, узоқ умр, оила-сига тинчлик-омонлик ва ишларида ривож тилайди.

"Ўзбектелеком" АК «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали жамоаси филиал узатгич аппаратлари цехи бошлиғи **Султонмурод ШУКУРОВ**ни муборак 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустақам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тинчлик-хотир-жамлик, фарзандлари камолини қуриш бахтини тилайди.

YOQIMLI ISHTANA!

МАВСУМИЙ ТАОМЛАР

Ёзнинг иссиқ кунларида чанқоғингиз ошиши табиий. Шундай пайтда турли салат ва ичимликлар асқотади, албатта. Куйида мавсумий таом турларини тавсия қиламиз.

МАЛИНАЛИ ИЧИМЛИК

Бир стакан ичимлик учун масаллиқ: 1 стакан сут, 2 ошқошиқ малина шарбати, 1/2 қошиқ шакар, 3/4 стакан сув.

Тайёрланиши: сут, малина шарбати, шакар аралаштирилади. Сўнгра қайнатиб совутилган сув соласиз. Ичимлик яхна ҳолда истеъмол қилинади. Ушбу ичимлик иштаҳа очиш учун энг яхши воситадир.

"ЁЗ ТУҲФАСИ" САЛАТИ

Масаллиқлар: 150 гр макарон, 2 дондан помидор ва бодринг, 1 стакан пиширилган жўхори, туз, зираворлар, ўсимлик ёғи.

Тайёрланиши: қайнатилган макаронга ўсимлик ёғидан қўйинг. Помидор ва бодрингни тўртбурчак шаклда тўгранг. Хамма масаллиқни аралаштириб, таёбга кўра туз ва зиравор қўшинг.



SPORT

ЭТО'О ТОШКЕНТДА



Кеча "Курувчи" ПФК раҳбарияти билан якуний музокаралар олиб бориш учун камерунлик ҳужумчи Самуэл Это'О Тошкентга етиб келди. Машҳур футбол юлдузини пойтахт аэропортида юзлаб футбол ишқибозлари ва журналистлар кутиб олишди. Режага биноан Это'О ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахслар аввалига Ўзбекистон футбол федерацияси офисига ташриф буюрдилар. Сўнг эса InterContinental меҳмонхонасида матбуот анжумани ташкил этилиб, Самуэл Это'О маҳаллий ва хорижлик оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб қайтарди.

Кечга яқин "Курувчи"нинг уй аранаси — МХСК стадионида камерунлик ҳужумчи футбол ишқибозлари билан учрашди. Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари ва "Курувчи" ПФК футбол мактаби тарбияланувчилари учун Самуэл Это'О ижросида мастер-класс намойиш этилди.

МДХ ВА ОСИЁДА ЭНГ КУЧЛИ ЧЕМПИОНАТ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси жаҳоннинг энг кучли чемпионатлари рейтингини эълон қилди.

Унга кўра, Ўзбекистон олий лигаси Осие ва МДХ давлатлари миллий чемпионатлари орасида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Дунёда эса 25-ўринда бормоқда.

ЯНГИҚҮРҒОНЛИК ПОЧТАЧИЛАР ҒОЛИБ

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия билан оммавий шугулланишни ривожлантириш, ёш оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиалининг туман почта алоқаси тармоқлари ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.



Мусобақага кўтаринки рух, яхшта тайёргарлик билан келган 13 жамоа вакиллари шижоатли ўйин кўрсатишди.

Барча рақибларини бирин-кетин доғда қолдириб финалга қадар етиб келган Поп ва Янгиқўрғон почта алоқаси тармоқлари жамоалари турнир ғолиблиги учун ўзаро куч синашдилар. Тенг курашлар остида ўтган ўйиннинг асосий вақти 5:5 ҳисоби билан якун топди. Пеналтилар сериясида эса омад янгиқўрғонликларга кулиб бокди — 3:2.

— Ўтган йили ўтказилган мусобақада муваффақиятсиз иштирок этиб ўрин ололмаган эдик, — дейди Янгиқўрғон ПАТ бошлиғи Р.Турдиев. — Бу йил юқори ўрин учун курашдик. Ўйинга барча жамоалар пухта тайёргарлик кўрганликлари кўриниб турди. Бизнинг жамоа ҳам ишончини оқлади.

Ўйин якунида турнирнинг энг яхши ҳимоячиси деб Янгиқўрғон ПАТ эксплуатация масалалари йўриқчиси Ш.Маматов, энг яхши ҳужумчи ва тўпурар деб Поп ПАТ Марғизор алоқа бўлими хабарчиси Р.Мамасидиқов, энг яхши дарвозабон деб Мингбулоқ ПАТ Довдўқ алоқа бўлими бошлиғи Ф.Абдусатторовлар топилдилар. Турнир ташкилотчилари томонидан 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган Янгиқўрғон, Поп, Учқўрғон почта алоқаси тармоқлари жамоалари ҳамда энг яхши иштирокчиларга эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

А.РАПИҚОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Наманган филиали ПАТЭБ бошлиғи



uGames ФУТБОЛ

12 июл куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Академик лицей стадионида uForumчилар иштирокида uGames ўйинларининг навбатдаги босқичи — футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Унда uForum, UZINFOCOM ва Ucell жамоалари иштирок этишди.

Биринчи бўлиб uForum ҳамда UZINFOCOM жамоалари майдонга тушишди. Ўйиннинг асосий вақти жангвор дуранг билан ўз нихоясига етди. Пеналтилар баҳсида омад UZINFOCOM жамоасига кулиб бокди.

Иккинчи баҳсда биринчи ўйин ғолиби Ucellга қарши майдонга тушди. Учрашувда мобил алоқа компанияси вакиллари яхши ўйин кўрсатишди ва UZINFOCOM жамоаси дарвозасини уч бор ишғол қилиб, ишончли ғалабага эришди.

Учинчи ҳал қилувчи учрашувда эса Ucell жамоаси uForum билан куч синашди. Аввалига ҳисобда олдинга чиқиб олган uForum вакиллари ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганда устунлиқни бой беришди ва кетма-кет икки тўп ўтказиб, Ucellнинг ғалаба қозонишига имкон яратиб берди. Шундай қилиб, Ucell жамоаси uGames футбол баҳслари ғолиби бўлди.

Xabar

МУАССИС:

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ**

Бош муҳаррир:
Абдусайд КУЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Солиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва
суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан фарқлангани
мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда
"Хабар"дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —
Реклама матнларининг тўғричилиги
тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет
материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

653-Г сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Адади: 7932 нуска.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслимдин БҲРИЕВ**,
Матн теврувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА**.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 8

TOSHKENT SHAHRINING 2200 YILLIGIGA

Кўҳна Тошкент ўзининг икки асрдан ортиқ тарихи давомида Марказий Осиёнинг иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий маркази бўлиб келган. Бу гўзал шаҳар географик жиҳатдан қўлай масканда ҳамда давлатлараро савдо йўли устида жойлашганлиги туфайли кўплаб урушларни бошидан кечирган. Шаҳар гоҳ у ҳукмдорнинг, гоҳ бу ҳукмдорнинг қўлида бўлганлиги тарихдан маълум. Ўша пайтларда шаҳар мудофаасига қай даражада аҳамият берилган? Биз шу савол билан тарих фанлари номзоди Муборак опа ЮНУСХУЖАЕВАга мурожаат қилдик.

— Кетма-кет олиб борилган уруш ва қонли тўқнашувлар, чет эл босқинчиларининг ҳужумлари мудофаага жиддий эътибор беришни талаб қилган, албатта, — деди таниқли олима. — Шаҳар атрофи баландлиги 8 метр, узунлиги 18 километрдан ортиқроқ, атрофига зовур қазилиб, сув билан тўлдирилган мудофаа девори орқали душманлардан муҳофаза қилинган.

— Шаҳарнинг қайси томонларида дарвозалар бўлган?

— Шаҳарга олиб кирувчи 12та дарвоза бўлиб, булар Чигатой, Самарқанд, Кўкча, Камолон, Бешёғоч, Сағбон, Лабзак, Қорасарой, Тахтапул, Қашқар, Қўймас, Кўқон номлари билан юритилган. Уларнинг қаерда жойлашганлигига келсак, Лабзак дарвозаси ҳозирги Хуршид кўчасининг Анҳорга туташ ерида бўлган. Шаҳар аҳолиси бу дарвоза орқали Фишткўприк ва Турбат қишлоқларига чиқишган.

Чигатой дарвозаси Фаробий кўчасида бунёд этилган бўлиб, бу дарвоза орқали шаҳар ташқарисиди далааларга чиқилган. Дарвозадан унча узоқ бўлмаган ерда Чигатой Оқтепаси деб номланган мажмуа жойлашган. Дарвоза гузарини шинам ва хушманзара бўлиб, бозор, тегирмонлар, косибчилик дўконлари бўлган.

Пойтахтнинг ўн икки дарвозаси



Самарқанд дарвозаси пойтахтнинг жануби-ғарбий томонида қурилган бўлиб, бу ер Самарқанд, Бухоро вилоятларига олиб боровчи қарвон йўлининг боши бўлган. Дарвоза қаттиқ ва мустаҳкам ёғочдан ясалиб, сиртига тунука қопланган. Унинг бир жуфт темир халқаси, калити бўлган. Дарвоза узоқ йиллар

мида қурилган бўлиб, у орқали Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм вилоятларига олиб борилган йўл кетган. Кўқон дарвозаси ўрда яқинида, Мустақиллик майдони ўрнида бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳарнинг шарқий дарвозасидан то ғарбий дарвозасигача 8500, шимолдан жанубгача 8100 қадамлик масофа бўлган. Ҳар бир дарвозадан шаҳар марказидаги бозорга элтувчи катта кўча, улардан эса кўплаб тор кўчалар тармоқланиб кетган.

— Бу дарвозаларни қўриқлашга катта аҳамият берилган бўлса керак?

— Албатта. Ҳар бир дарвозани доимий равишда дарвозабонлар қўриқлаган. Дарвозалар тонгда очилиб, кеч бўлиши билан бекитилган. Ҳар бир дарвозанинг соф олтидан ясалган калити бўлган. Тошкент Чор Россияси қўшинлари томонидан забт этилган, ушбу калитлар Питербургга олиб кетилган. Дарвозалар эса кераксиз ҳисобланиб, бузиб ташланган. 1933 йилдагина калитлар Ўзбекистонга қайтариб олиб келинган.

— Ҳозир ушбу калитлар қаерда сақланмоқда?

— Калитларнинг биттаси Ўзбекистон халқлари тарихи музейига экспонат сифатида қўйилган. Қолганлари Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида сақланяпти. Гарчи бу дарвозалар бугунгача етиб келган бўлмаса-да, уларнинг номи маҳалла, гузар ва кўчалар номига айланиб, қадимий пойтахтимиз тарихида муҳрланиб қолди.

— Мазмунли сўхбатингиз учун ташаккур.

Муборак МИРКАМОЛОВА
сўхбатлашди

Коллежни битиргач, ўйланиб қолдим: қаерга ўқишга кирсам экан? Уйимдагилар учун барибир. Мен бирор олий ўқув юртига борсаму, тезроқ қайтиб кела қолсам. Фермер хўжалигидаги ишларга ёрдам берсам.

Ўйлай-ўйлай алоқа соҳасини танладим.

Ҳозир энг керакли касб эгалари улар. Қўшимчимиз хусусий шахобча очиб, телефон хизмати кўрсатаётганига анча бўлди. Ишлари зўр. Шахобчасидан одам узилмайди. Боз устига ҳамма ҳурмат қилади. Тўй-пўйга бориб қолса, "Гулнорахон-чи, Гулнорахон" дея тўрга ўтқазишади. Ҳавасим келади унга. Алоқачилар олийгоҳига ўқишга бораётганлигимни айтган эдим Гулнора опа хурсанд бўлиб кетди.

— Жуда тўғри қарор қабул қилибсиз, синглим, — деди Гулнора опа. — Лекин у ерда ўқишни хоҳловчилар жуда кўп. Имтиҳонларга пухта ҳозирланишингиз керак бўлади. Сиз бор имкониятингизни ишга солиб, тайёргарликка куч беринг. Зора, ўқишга кириб кетсангиз.

Гулнора опа айтганидай қила олмадим. Уйдагилар ҳар куни саҳардан "ғўзаларни ўт босиб кетди, ёрдам бермасанг бўлмайди", деб туриб олишади. Ахволларини кўриб туриб, йўқ деб бўладими? Дарсларимни кечкурун қиламан деб ўйлайман. Даладан келгач, чарчаб ухлаб қоламан.

Хуллас, омадга ишониб институтга ҳужжат топширдим. Ётоқхонада туриб имтиҳонларга тайёргарликка аҳд қилдим. Энг қизиғи ўша ерда бошланди. Қўшни вилоятдан келган Зокир исмли йигит билими кучли экан чоғи, дарсларимга ёрдам бера бошлади. Танишганимизнинг бешинчи куни ўз муҳаббатидан гап



Кўл телефони, борингга шукур!

Собиқ абитуриент ҳикояси

очди. Бунақа чиройли сўзаларни қаердан топади ҳайронман.

Баъзан унга махлиё бўлиб қоламан. Лекин ички бир туйғу унга ишонмасликка ундаб турарди.

Кўп ўтмай тест синовларини топширдик. Ишонганим "омад"

мендан юз ўтирди. Жуда кам балл тўплабман.

"Уйдагиларнинг кўнглидаги иш бўлди-да" — биринчи бўлиб ҳаёлимга шу фикр келди. Қишлоққа қайтишга тайёрлана бошладим. Зокир эса олийгоҳга ўқишга кирди. У менинг нарсаларимни кўтариб, машинага ўтқазиб кетди.

— Умримнинг охиригача сизни дейман, — деди у. — Сиз ҳам бирорта йигит билан гаплашманг. Биз, албатта, турмуш кураимиз.

У қишлоғимизга бир неча марта келиб, кўриб ҳам кетди. Кунда-кунора телефон қилади. Зокирни кўрган дугонам:

— Нилу, унга ишон. Сени, албатта бахтли қилади, — деди ҳавас билан.

Ичимдаги туйғу эса ҳамон ундан эҳтиёт бўлишга чорлайди. Шу тариқа уни синаб кўришга аҳд қилдим. Кўл телефонимга янги сим карта қўйиб унинг кўл телефонига кўнгирак қилиб, иккинчи қақирисидан сўнг ўчириб қўйдим. Кўп ўтмай "севгилим" дан "Гаплашмасангиз нимага кўнгирак қиласиз" деган SMS келди. Шунда мен уни қишлоқларидида тўйда

кўрганлигимни, хўп, деса танишмоқчилигимни SMS орқали ёзиб юбордим. У розилигини билдирди. Биз бир-биримизга тез-тез SMSлар жўната бошладик. Ниҳоят, у телефонда овозимни эшитмоқчилигини айтди. Мен аввалига таниб қолишдан кўрдим. Сўнг таваққал қилдим. Ўзимни Хушрўй деб таништирдим.

— Исмингиз жисмингизга мос бўлса керак, — деди у хурсанд бўлиб. — Қани эди ёнингизда бўлиб қолсам.

— Севган қизингиз йўқми?

— Шу пайтгача бирорта қиз кўнглимга ўтиришган эмас. Биласизми, тўғриси айтсам майин товушингиз, бегубор сўзларингиз мени мафтун қилиб қўйди. Сизни яхши кўриб қолдим, Хушрўй!

Бу бир йил давомида менга тинчлик бермай, доимий равишда гоҳ телефон орқали, гоҳ ўзи келиб муҳаббати қатъий эканлигини таъкидлаётган ўша Зокир эди! Олдимда ўтирган дугонамининг кўзлари ҳайратдан катта-катта очилди.

Шунда унга ишонмай тўғри қилганлигимга амин бўлдим ва беихтиёр "Кўл телефони, борингга шукур!" дея хитоб қилдим. Шу SMSлар туфайли мен унинг ҳақиқатда кимлигини билиб олган эдим.

Собиқ абитуриент сўзларини
Гулчеҳра ЗОИТБОЕВА оққа кўчирди



Азиз муштариёлар!
«Xabar» газетасига обуна давом этмокда.
Нашр кўрсаткичи — 228